O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV. №

**БОҚИЙ ФИКРЛАР**

*Уқув қадрини
ҳам уқувли билар,
Билим сотса
доно, билимли
олар.*

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 21-aprel, chorshanba № 31 (8264) ISSN 2010-6416

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19—20 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Ташрифнинг асосий воқеалари 20 апрель куни Кремлда Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг яккама-якка учрашувидан бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш, халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия, Россия ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакатларимиз ўртасида 2004 йилда Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган. Бугунги ҳамкорлик ана шу ҳужжатлар асосида ривожланмоқда. Бунинг тасдиғи сифатида олий даражадаги мулоқотлар мунтазам тус олганини таъкидлаш жоиз.

Турли мақомдаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари ҳам фаол давом этмоқда. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ташқи сиёсат, ташқи савдо, мудофаа маҳкамалари ўртасидаги мулоқот ва маслаҳатлашувлар изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон ва Россия БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бу алоқалар минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, интеграция жараёнларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ишларига ёрдам кўрсатиш борасида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Россия Ўзбекистоннинг ишончли сиёсий, иқтисодий ва сармоявий шеригидир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. Гуманитар ҳамкорлик борасида ҳам алоқалар кўлами кенг эканини таъкидлаш жоиз. Бу йўналишдаги ҳамкорлик таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик каби кўплаб соҳаларни қамраб олган.

Умуман айтганда, давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан нуқтаи назар ва қарашлари ўхшаш ва яқинлиги, халқларимизнинг дўстлиги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзаро муносабатлар турли даражаларда имзоланган 276 ҳужжатга асосланади.

Суҳбат чоғида Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Минтақанинг трансчегаравий дарёларида гидротехника иншоотлари қурилишда қўшни мамлакатлар билан маслаҳатлашиш, бундай лойиҳаларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

**(Давоми 2-бетда.)**

# ИЖОДИЙ РАҚОБАТ ТАНТАНАСИ

## дастлабки ғолиблар аниқ, танлов давом этмоқда

*«Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2010»*

Ҳар бир ташкил этилажак тадбирнинг ўз мақсад-муддаоси бор. Демак, айни кунда пойтахтимиздаги турли мактабларда ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичи ҳам, хусусан, халқ таълими тизими олдида турган долзарб вазифаларнинг адо этилишига ижобий таъсир этмоғи жоиз. Айтиш мумкинки, танлов ғолибларини аниқлаш, саралар ичра сара ўқитувчиларни кашф этишгина эмас, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, ижодий рақобат муҳитини яратиш, фидойиликни рағбатлантириш каби жиҳатларни ҳам ўз ичига олади.

**(Давоми 3-бетда.)**



**"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси—2010" кўрик-танлови республика босқичининг она тили ва адабиёт фани бўйича ғолиби, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 288-мактаб ўқитувчиси Гулноз Нурматова.**




**"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси—2010" кўрик-танлови республика босқичининг немис тили фани бўйича ғолиби, Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси Алишер Мадризаев.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

**ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:**

МУНОСИБ ТУҲФА — 7-бет

O'QUVCHINI FAOLLASHTIRISH OMILI — 8-бет

ИЗЛАНСАНГ, ОЛАМ ЎЗГАРАДИ — 11-бет

ИНСОН ҚАЛБИ ТАДҚИҚОТЧИСИ — 12-бет

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев мулоқотни Ўзбекистон ва Россия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, 2009 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистоннинг Россияга экспорти табиий газ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, транспорт ва коммуникация хизматлари, транспорт воситалари, тўқимачилик буюмларидан иборат. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар Россияда энг харидоргир транспорт воситаларидан эканини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Бу ўзаро савдода юқори қўшимча қийматга эга, рақобатбардош саноат маҳсулотларининг улуши ортаётганига ёрқин мисолдир. Россиядан Ўзбекистонга рангли ва қора металлар, механик ва электр ускуналар, ёғоч ва ундан ишланган буюмлар каби маҳсулотлар келтирилади.

Сармоявий ҳамкорлик ривожи қўшма корхоналар сонининг ошганида яққол кўзга ташланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 843 Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Россиянинг 135 фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса ўзбекистонлик шериклар иштирокида тузилган 385 қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Президентлар ушбу кўрсаткичлар икки томоннинг ҳам имкониятларини тўла акс эттирмаслигини таъкидладилар. Ўзбекистон ва Россия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун улкан салоҳиятга эга. Саноатнинг қатор тармоқларида, қайта ишлаш саноатида, бошқа кўпгина соҳаларда икки мамлакатнинг фирма ва компаниялари ҳамкорлиги учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Музокарада маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик муваффақият билан ривожланмоқда.

Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида 2009 йилнинг октябрь ойида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Россия Сайёҳлик корпорацияси ўртасида агентлик битими имзоланган. У Россияда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини кенг ишга солиш ва сайёҳлар оқимини оширишни назарда тутади.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон ва Россия Президентларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳарбий-техника соҳасидаги ҳамкорлик бўйича 2010—2012 йилларга мўлжалланган тадбирлар режасини амалга оширишга кўмаклашиш масалаларига оид ўзаро англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Россия Федерацияси Федерал божхона хизмати ўртасида Олдиндан хабардор этиш бўйича эксперимент ўтказиш тўғрисидаги протокол, Маданий-гуманитар соҳада 2010—2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ, дўстона руҳда ўтганини, эришилган келишувлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Ушбу ташриф ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг янги устувор йўналишларини белгилаш, ишга солинмаётган имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалаларини муҳокама қилиш учун қулай имкониятдир, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон Россия билан муносабатларни юксак қадрлайди. Бу муносабатлар икки мамлакат манфаатларига, айни пайтда бутун Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат килади.

— Бўлиб ўтган музокаралар ўзаро шериклик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтиришга Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам қизиқиш катта эканини намойиш қилди, — деди Дмитрий Медведев. — Биз иқтисодий масалалар ҳақида фикр алмашдик. Энергетика, авиасозлик, машинасозлик, телекоммуникация ва кўплаб бошқа соҳалардаги кенг кўламли ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олдик. Ушбу ташриф ҳамкорликнинг асосий йўналишларини янада мустаҳкамлаб, янги имкониятларни очишига ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Владимир Путин билан учрашди. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини яна бир карра тасдиқлади ва ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришнинг янги имкониятларини очиб берди, дейиш учун барча асослар бор.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири,**
**Тошкент – Москва – Тошкент.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН

***Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда 12 апрель куни “Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

## So'z — konferensiya ishtirokchilariga

**Но ХЮНГ-БОК, Корея ривожланиш банки институти директорининг биринчи ўринбосари (Жанубий Корея):**

— Барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий зарар етказган молиявий инқироз Ўзбекистон танлаган эркин иқтисодий бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг тўғрилигини яна бир карра исбот қилди. Мазкур анжуман мамлакатингизда иқтисодий бўҳронни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган изчилислоҳотлар — аксилинқироз лойиҳалари билан танишиш имконини берди.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури кўплаб давлатлар учун иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник янгилаш, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш, замонавий бозор механизмлари, институтлари ва инфратузилманинг шакллантириш борасидаги ислоҳотларни олиб боришда муҳим дастурламал бўлиб хизмат қилади.

**Мустафо Нажот ЖЎШКИН, Ғозий университети иқтисодиёт ва бошқарув илми факультети доктори, профессор (Туркия):**

— Бутун дунёни қамраб олган иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган мазкур халқаро конференцияда қатнашган ҳар бир иштирокчи Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳиятга эга эканига амин бўлди. Бунинг исботи — жаҳон молиявий таназзулига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодиёт муттасил ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табриги мазкур халқаро конференциянинг нуфузини янада оширди.

Мамлакатингизда хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун жуда кенг қулайликлар яратилган. Жумладан, турли имтиёз ва имкониятлар ҳамда қонун билан кафолатланган преференциялар бошқа давлат ишбилармонлари қатори, туркиялик бизнесменларнинг ҳам ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда. Икки томон учун ҳам фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

**Вальтер МАНШАНДЕН, Илмий-тадқиқот институти вакили (Нидерландия):**

— Мамлакатингиз иқтисодиётининг изчил ва барқарор ривожланиши Ўзбекистонда танланган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг тўғри йўлини танлаган мамлакатингизда банк-молия тизимида узоқни кўзлаб амалга оширилган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртингиз молиявий инқироздан жиддий зарар кўрмади. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш ва халқ турмуш даражасини юксалтиришнинг устувор тамойиллари аниқ белгилаб берилган ва бу молиявий-иқтисодий бўҳрондан азият чекаётган кўплаб давлатлар учун ҳам фойдали қўлланма бўлиши мумкин.

**Башир ФАДЛАЛЛА, Ислом тараққиёт банкининг (ИТБ) Ислом бирдамлик жамғармаси раҳбари:**

— Президент Ислом Каримов Ўзбекистон истиқлолга эришган илк йиллардан оқилона иш тутиб, “Янги уй қурмасдан, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамойилга асосланиб юритган ижтимоий-иқтисодий сиёсати бераётган юксак самаралар жаҳонда кенг эътироф этилмоқда. Мамлакатингизда иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи экани, кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётгани, ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани тўғри йўл экани иқтисодий инқироз шароитида яна бир бор ўз исботини топди.

2009 йили Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичи жуда юқори бўлди. Ўзбекистон билан ИТБ ҳамкорлигида ўнлаб қўшма лойиҳалар амалга оширилди. Ишончим комилки, мазкур анжуман инқирозга қарши чоралар дастурлари самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшади, инқироздан кейин иқтисодиётни тиклаш жараёнида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**ЎзА мухбирлари**
**Мадина УМАРОВА,**
**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди.**

# ИЖОДИЙ РАҚОБАТ ТАНТАНАСИ

## дастлабки ғолиблар аниқ, танлов давом этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

*"Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2010"*

## РАҒБАТ — ФАОЛЛИК АСОСИ

Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумтаълим мактабида таълим ўзбек ва бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактаблари рус тили фани ўқитувчилари педагогик тажриба ва касб маҳорати бобида ўзаро куч синашишди.

— Биз синфдошларимиз билан бир неча очиқ дарсларда иштирок этдик, — дейди мазкур мактабнинг 5-синф ўқувчиси Жаҳонгир Каримов. — "Янги" устозлар ҳар бир дарсни жудаям қизиқарли ўтдилар. Менга, айниқса, учқўрғонлик ўқитувчи Одина Мамажонова ҳамда навоийлик муаллима Дилфуза Ҳасанованинг дарслари ёқди. Одина опа дарсда энг фаол қатнашган ўқувчиларга ўзига хос мукофотлар — Фахрий ёрлиқ ҳамда ранг-баранг китобчалар тақдим этди.

— Рағбатнинг ҳар қандай тури ўқувчиларни фаолликка чорлайди, — дейди мезбон мактабнинг рус тили ўқитувчиси Малика Магдиева. — Гарчи ўзим кўрик-танлов иштирокчиси бўлмасам-да, республикамизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган ҳамкасбларим билан бирдек ҳаяжонландим. Шогирдларимни ҳам ҳар қачонгидан-да кўпроқ фаол бўлишга, иштирокчи ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туришга ундадим.

Байрамона безатилган мактаб ҳовлисида кўрик-танлов жараёнини диққат билан кузатаётган сурхондарёлик кекса онахон Асилтош Тошмуҳамедова, устоз-мураббийлардан фарғоналик Нигора Мухторова, навоийлик Дилара Абдуллаева, гулистонлик Умида Хўжаева, қаршилик Маҳбуба Жумаева, каттақўрғонлик Сабоҳат Хайирова, тошкентлик Маҳбуба Юнусова ва бошқалар иштирокчилар учун яратилган қулай шароитлардан мамнун эканликларини таъкидлашиб, ташкилий қўмита аъзоларига, мазкур мактаб педагогик жамоаси ва унинг раҳбариятига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

— Фан ўқитувчилари ўртасида энг муносибларини аниқлашга қаратилган ушбу кўрик-танлов давомида биз ўзаро дўстлашиб, янада қадрдон бўлиб кетдик, — дейди Учқўрғон туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси Одина Мамажонова. — Ҳамкасбларимнинг замонавий дарс услублари, АКТ ва мультимедиа воситаларидан моҳирона фойдаланишлари мени чин дилдан қувонтирди. Ўз навбатида мен ҳам ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва қатнашчилар эътиборига ўзим яратган «Нафис гуллар» кўргазмали қуролимни тақдим этдим.

Кўрик-танлов якунига бағишланган тантанада барча тур топшириқларини муваффақиятли бажарган пойтахтлик муаллим, Учтепа туманидаги 203-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Роза Турмуҳамедова *(суратда ўртада)* рус тили фани бўйича «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» дея эътироф этилди. Қарши шаҳридаги 19-мактаб ўқитувчиси Гулшод Ҳушмонова *(суратда ўнгда)* ва Тошкент туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Гулбаҳром Гасилова *(суратда чапда)* фахрли 2 ва 3-ўринларга сазовор бўлди.

Кўрик-танлов иштирокчилари «Таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этгани учун», «Дарсни ташкил этишда ўзига хос ёндашганлиги учун», «Энг яхши тақдимот», «Ўқувчилар билан ижобий мулоқот ярата олгани учун» каби махсус номинациялар бўйича рағбатлантирилди.




* * *

***Шундай қилиб, ўтган ҳафтада бошланган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2010" кўрик-танлови республика босқичи баҳсларининг дастлабки ғолиблари аниқланди.***

***Инглиз тили фанидан*** *1-ўрин Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси Феруза Эрқуловага, 2-ўрин Бухоро шаҳридаги 37-мактаб муаллимаси Кристина Маиловага, 3-ўрин эса Фарғона шаҳридаги 40-мактаб ўқитувчиси Собиржон Жўраевга насиб этди.*

***Она тили ва адабиёт фанидан*** *1-ўрин Тошкент шаҳридаги Юнусобод туманидаги 288-мактаб муаллимаси Гулноз Нурматова, 2-ўринни Наманган шаҳридаги 31-мактаб ўқитувчиси Моҳира Маматова, 3-ўринни эса Фарғона вилояти вакили — шаҳардаги 18-мактаб ўқитувчиси Баҳодир Бозоров эгаллади.*

***Немис тили фанидан*** *1-ўрин Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси Алишер Мадризаев, 2-ўрин эса Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 60-мактаб ўқитувчиси Татьяна Скуратова ҳамда 3-ўрин Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 6-мактаб ўқитувчиси Маҳфуза Абдураззоқовага насиб этди.*

***Биология фанидан*** *Андижон вилояти Андижон туманидаги 45-мактабдан ушбу кўрик-танловга ташриф буюрган Барнохон Мухтарова энг юқори натижани қўлга киритиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.*

***Математика фанидан*** *эса мутлақ ғолиблик Фарғона шаҳридаги 40-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Зоя Югайга насиб этди.*

***Қозоқ тили ва адабиётидан*** *биринчиликни Навоий вилояти Томди туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси Шолпан Бўлекбаева қўлга киритган бўлса, иккинчи ўринни Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 36-мактаб ўқитувчиси Аймхан Изтеллеуова, учинчи ўринни эса Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 290-мактаб қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Салиҳа Дўсимбетова эгаллади.*

***Бошқа фанлардан эса баҳслар давом этмоқда.***

### БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

Юнусобод туманидаги 97-мактабда бошланғич синф ўқитувчиларининг кўрик-танлови бўлиб ўтаяпти. Биринчи кун иштирокчилар ўқиш технологиясига асосланиб, «Қирғоқдаги жанг», «Ватан ҳақида қўшиқ» каби мавзулардаги матнни ифодали ўқиб беришди. Сўнг ҳуснихат қоидаларига риоя қилган ҳолда матн ёзишди.

— Мутахассислиги бўйича назарий (сиртқи) танловга тавсия этилган ишлардан бири —Урганч шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси,



Халқ таълими аълочиси Баҳром Курамбоевнинг концепцияси ўзига хос кўп йиллик фаолияти давомида орттирган тажрибасига таянгани, таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид фикрларни бера олгани учун юқори баҳоланди, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Сайёра Суннатова. — Беруний туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси Убайда Юсупова эса матнни ўқиш ва ҳуснихат талабларига кўра ёзишда ҳамкасбларидан устунлигини кўрсатди.

— Бугунги дарслар ранг-баранглиги, ўқитувчиларнинг пухта тайёргарлиги, изланувчанлиги боис, мазмунли ўтмоқда, — деб ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди ҳакамлар ҳайъати раиси, Низомий номидаги ТДПУ «Математика ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси доценти Нурали Эшпўлатов. — Наманган шаҳридаги 51-мактаб ўқитувчиси Раънохон Холматова 2-синф ўқиш дарсидаги «Ўтинчи йигит билан шер» мавзусини ўтишда педагогик маҳоратини намойиш этди. Қуйи Чирчиқ туманидаги 36-мактаб ўқитувчиси Гулбаҳор Норматова эса ўйин технологияси элементларидан ўринли фойдаланиб, ўқувчиларни фаоллаштира олди. Унинг 4-синфда ўтган «Бўлишни текшириш» мавзусидаги дарсида фанлар интеграциясига эътибор қаратилди. Биз ҳам Қумқўрғон туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Гулзебо Нормуродованинг дарсини кузатдик. У 4-синф ўқувчиларини «Бойчечак», «Чучмома», «Лола» гуруҳларига бўлиб, феъл замонлари бўйича билимларини «Ақлий хужум» орқали аниқлаб олди. «Келаси замон феъллари»га бағишланган янги дарсини эса АКТ, дидактик материал ва кўргазмали воситалардан фойдаланиб ўтди.

Иштирокчиларнинг айримлари эса ўтилажак дарсларга тайёрланмоқда. Бугун ҳам иштирокчиларнинг намунавий дарслари кузатилди. Эртага эса 5-тур ўтказилиб фахрли ўринлар соҳиби — ғолиблар аниқланади.

### ТАРИХ

Тажриба таълим-тарбиянинг таянчидир. Таълим муассасалари ва у ердаги ўқитувчилар бир-бири билан мусобақага киришиб туриши мавжуд камчиликларни бартараф этиш, илғор тажрибаларни амалда қўллаш орқали соҳанинг ривожига маълум миқдорда ҳисса қўшишга хизмат қилади.

Мирзо Улуғбек туманидаги 207-мактабда бошланган тарих фанидан «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичи ҳам илғор тажрибалар оммалашуви майдони бўлмоқда. Қатнашаётган 14 нафар иштирокчи орасидан қуръа ташлаш асосида дарс вақтлари аниқланиб олинди. Дастлабки кун беш нафар иштирокчи дарс ўтган бўлса, яна беш нафари амалий машғулотларни олиб борди. Тўрт иштирокчи дарсликларга аннотация ёзиш билан банд.

— Мазкур танловлардан кўзланган мақсад ғолибликка номзодларни топиш ва саралаш эмас, балки, иштирок этаётган энг сара ўқитувчилар таркиби асосида истеъдодли педагоглар захирасини ташкил этиш ҳамда уларнинг кўмагида тизимда маълум самарадорликка эришишдир, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, тарих фанлари номзоди Жумагул Абдураҳмонова. — Муаллим деганда ҳар биримиз бутун ҳаётини илм ўрганиш ва уни бошқаларга ўргатишга бағишлаган фидойи инсонларни кўз олдимизга келтиришимиз табиий. Бугун Республика босқичида баҳс олиб бораётган ўқитувчиларимиз ҳам ана шундай ўз касбини фидойилари саналишади. Улар орасидаги ҳақиқий истеъдодни аниқлаш вазифаси қанчалик масъулият талаб этишига дарс жараёнида ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз.

— Юртимизда ўқитувчиларга катта эътибор қаратилиб, уларга кенг имкониятлар эшиги очиб берилмоқда. Ундан самарали фойдаланган ўқитувчилар орасида мен ҳам бор билим салоҳиятимни ишга солиб ҳаракат қиляпман. Хусусан «Амир Темур авлодлари...» мавзусини ўтар эканман, дарсни бугунги замон билан боғлаб ўтишни жоиз топдим. Кўргазмадан ўз ўрнида фойдаланганим ўқувчиларимнинг дарсга қизиқишини орттирди. Шу билан бирга уларнинг хотирасини мустаҳкамлашга қаратилган усуллардан фойдаланишим дарс самарадорлигига таъсир кўрсатди, — дейди Наманган вилоятидан ташриф буюрган иштирокчи Шарифа Расулова.

Бухоро вилоятидан келган Шомурод Орзиев эса 7-синф ўқувчилари учун ташкил этган дарсида қўшимча маълумотлар асосида слайдлар ёрдамида машғулотни олиб борди. Дарс давомида техник, АКТ ва кўргазмали қуроллар, дидактак материаллардан унумли фойдаланиш орқали нотаниш синф ўқувчилари эътиборини жамлаб, дарсда фаол бўлишга ундади. Айниқса, ўқитувчининг нутқ маданияти дарсга ўзгача руҳ бағишлади.

### ФИЗИКА

Физика ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ фан. Учтепа туманидаги 238-мактабда физика фанидан ўтаётган танловнинг республика босқичида ҳам айнан мана шу жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури дои-



(Давоми 5-бетда.)

## МАНА ИККИ ЙИЛДИРКИ, АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ИХТИСОСЛАШМАГАН ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА "ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ" ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР РЕСПУБЛИКА БЕЛЛАШУВИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Унинг 2009 йилги якунларига эътибор берадиган бўлсак, салкам 200 нафарга яқин жамоа аъзолари ўзаро куч синашиб, ўзларининг ҳуқуқий билимларини юксалтиришга эришишди. 2010 йилдан бошлаб мазкур беллашув Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этиладиган бўлди.

Яқинда "Огаҳий" номидаги Хоразм вилоят мусиқали ва драма театрида танловнинг ҳудудлараро босқичида Урганч ва Нукус шаҳарлари жамоалари ўзаро куч синашишди.

Беллашув 3та шарт асосида ўтказилиб, биринчи шартда гуруҳлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга қаратилган бадиий чиқишларни намойиш этишди, иккинчи шартда ҳар бир гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан махсус тайёрланган саволлар берилди. Учинчи шартда эса гуруҳлар томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида таклиф ва тавсиялар кўргазмали ҳамда саҳна кўринишидан иборат чиқишлар орқали намойиш этилди.

Беллашув натижаларига кўра, Хоразм вилоятининг "Фемида" гуруҳи ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг финал босқичига йўлланма олди.

**Наргиза ОТАЖОНОВА**

## БАХМАЛ ТУМАНИДАГИ 59-МАКТАБДА ТУМАН ҲОКИМЛИГИ, ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ВА МАКТАБ ЖАМОАСИ ҲАМКОРЛИГИДА "БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!" ҲАМДА "БИЗ — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ" МУСОБАҚАЛАРИ ТАШКИЛЛАШТИРИЛДИ.

"Балли, қизлар!" танловида пазандалик, уй-рўзғор юмушларини юритиш, мушоира, баҳорий салатлар тайёрлаш каби беллашувларда ўзининг эпчиллигини моҳирлигини, ҳозиржавоблигу сўзга чечанлигини намойиш этган 8-синф ўқувчиси Ҳилола Абдусаломова ҳакамлар томонидан ғолиб деб топилди.

Кейин эътибор оилавий спортчиларнинг беллашувларига қаратилди. Унда тўртта оила 3 нафар фарзандлари билан эстафетали югуриш, арқон тортиш, "Тутқич бермас сичқонча" ва дарвозага тўп киритиш шартларида баҳслашдилар. Фаоллик кўрсатган Жумуродовлар оиласи биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Тадбир сўнгида ғолибларга туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган диплом ва совғалар топширилди. Мактаб спорт мажмуасига туман ҳокимлиги томонидан тўртта стол тенниси анжомлари тақдим этилгани эса жамоанинг қувончига қувонч қўшди.

**Дилшод КАРИМОВ**




## БУГУН ДИЁРИМИЗДА ФАСЛИ НАВБАҲОР КЕЗИБ ЮРИБДИ. БУ ФАСЛ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ УЛУҒЛОВЧИ АЙЁМЛАРИ ВА ТАРБИЯ САБОҒИНИ БЕРУВЧИ АНЪАНАЛАРГА БОЙЛИГИ БИЛАН ҲАМ АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ.




Таълим тизими ходимларининг севимли нашри, маслакдошига айланган «Бошланғич таълим» журналининг навбатдаги сонининг муқовасида акс этган атлас либосли, дўппили қизларнинг табассумларида, оппоқ гулга бурканган боғлар томон қанот қоқиб келаётган лайлакларнинг парвозида ҳам баҳор шукуҳи мужассам гўё.

Журнал ўз йўналишига кўра бошланғич синф ўқитувчиларининг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, ўқиш ва ўқитиш ишларининг сифат ва самарадорлигини оширишга кўмаклашишни асосий мақсадлари сирасига киритади. Жумладан, «Олтин тож соҳиби бўлинг» материалини ўқиган муштарий ўзининг иш услубига ижодий ўзгаришлар киритмоғи мумкин. Бу тадбир ҳафтанинг душанба куни эълон қилинади. 10та рангли тангалар ёнида белгиланган топшириқларнинг бажарилишига қараб ҳафта давомида ҳар бир ўқувчи ўз ҳисоб рақамига, яъни бир неча тангаларга эга бўлади. Иш услуби сизни қизиқтириб қолдими? Унда журналнинг 3-сонини қўлингизга олинг. Завқ-шавқ билан дарс ўтишингизда нашрнинг бу чиқиши ҳам, албатта, сизга елкадош бўла олади. Шунингдек, «Сўз ўйинлари». «Спорт иродани тарбиялайди», «Ҳисоблаш малакаларини шакллантириш усуллари» сингари материаллар ҳам журнал мундарижасини бойитган.

**О.ОЧИЛОВА**

## ЎЗДЖТУ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИДА СИРДАРЁ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН КЕЛГАН ЁШ МУХБИРЛАР БИЛАН ФАКУЛЬТЕТ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ БЎЛИБ ЎТДИ. УШБУ ЙИҒИЛИШДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИНУВИ ОРҚАЛИ ТАЖРИБА ОШИРИШ БЎЛДИ.

Факультет декани Акбар Нурматов ўқув масканида олиб борилаётган таълим жараёни, яратилган шарт-шароитлар, талабаларнинг чет тилларини ўрганиш ва уни ОАВ фаолиятига татбиқ этишдаги имкониятлари ҳақида меҳмонларга маълумот берди.

Йиғилишда вилоят газеталарининг бугунги кундаги фаолияти, ютуқ ва камчиликлари ҳамда бу камчиликларни бартараф этиш учун эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар, шунингдек, вилоят ва туманлар матбуотида кадрлар масаласи муаммоларига тўхталиб ўтилди.

Вилоят мухбирларининг пойтахтдаги ташрифига "Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди" ҳомийлик қилмоқда. Йиғилишда ушбу фонд вакили Фарҳод Муҳаммадиев ҳам иштирок этиб, ўз қарашларини йиғилганлар билан ўртоқлашди.

Йиғилиш сўнгида меҳмонлар факультет жамоаси ва ўқув фаолиятидаги жараёнлар, шарт-шароитлар билан танишишди ҳамда малакали мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар, керакли маслаҳатлар олишди.

**Зилола ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

## БУЛОҚБОШИ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИДА ТУМАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ «МАКТАБЛАРДА МУМТОЗ АДАБИЁТНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ»ГА БАҒИШЛАНГАН УЧ КУНЛИК ЎҚУВ-СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Машғулот қатнашчилари Бобур номидаги Андижон давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Валижон Қодировнинг мавзуга оид маърузасини тингладилар. Ҳозирга қадар мумтоз адабиёт намуналарини ўқитиш масаласи назарий-монографик кўламда махсус тадқиқ этилмаган, муаммонинг илмий ҳамда амалий жиҳатлари ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, бу борада адабиёт муаллимларига амалий жиҳатдан ёрдам берадиган йўриқларнинг мавжуд эмаслиги ўрта мактабларда адабиёт таълими самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, ўқитиш сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам умумтаълим мактабларида мумтоз адабиётни ўқитишнинг илмий-назарий, эстетик-педагогик асосларини тадқиқ этиб, ўқитувчиларни назарий жиҳатдан қуроллантириш, илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш, замонавий педагогик усулларни таълим жараёнига татбиқ этиш, кундалик фаолиятида асқотадиган методик тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш кечиктириб бўлмас ҳаётий заруратга айланганлиги маърузачи томонидан алоҳида таъкидланди. Ўқитувчилар дарс жараёнида ўзлари дуч келаётган турли муаммолар устида қизғин баҳс олиб боришди.

Шунингдек, Валижон Қодировнинг «Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар» деб номланган монографияси (Тошкент, 2009 йил) билан ҳам танишдилар. Унда мактабда мумтоз адабиётни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, умумий принциплари белгиланган бўлиб, ўқитиш самарадорлигини оширишнинг илмий-педагогик асослари ишлаб чиқилган ҳамда бу давр адабиёти намуналарининг ўрганилишининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Бу каби қўлланмалар ва ўқув семинарлари ўқитувчилар учун муҳим амалий дастур вазифасини ўташи, шубҳасиз.

**О.СИДДИҚОВ**

## «... ТЎҒРИ, ИНШО ОЛИЙ ТАЪЛИМГА КИРИШ ВОСИТАСИМАС. ЛЕКИН У УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА ҲАМ, МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДА ҲАМ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДАГИ АСОСИЙ ИШ ТУРЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ...»

Педагогика фанлари доктори Қундузхон Ҳусанбоеванинг ана шундай долзарб муаммони ўртага ташлаган «Адабиёт таълимида иншоларнинг ўрни» материалини илк саҳифаларига жо этган «Тил ва адабиёт таълими» журналининг навбатдаги 2-сони ҳам нашрдан чиқди.




Албатта, жамиятда содир бўладиган ҳар қандай ҳодиса, ўзгариш ёки янгилик тил орқали ўз ифодасини топади. Муҳаббат Холбоеванинг «Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асарида ранглар синонимияси» мақоласида ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва бугунги даражага эришишида, айниқса, Алишер Навоийнинг ўрни беқиёслиги, хусусан, алломанинг «Сабъаи сайёр» асарида қўлланган рангни ифодаловчи лексик қатлам хусусида фикр юритилади.

Мазкур сонда «6-синфда «Хусусият сифатлари»ни ўргатиш тажрибасидан», «Саид Аҳмад ва маънавият тажрибаси», «Муқимий бадииятининг айрим тил хусусиятлари», «Абдулла Қаҳҳорнинг таржимонлик маҳорати хусусида» сингари бир қатор мавзулардаги материалларга ҳам ўрин ажратилган.

**О.МУРОДУЛЛАЕВА**

## СИРҒАЛИ ТУМАНИДАГИ ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН 6-МАКТАБДА АНА ШУ ЙЎНАЛИШДА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШНИНГ ЎЗИ БЎЛГАНИ ЙЎҚ.

Муассасадаги таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш, унинг узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлашга йўғрилган меъёрий дастурлар иш услубини фаоллаштирибгина қолмай, танлаб ўқитишнинг афзалликлари кўп эканини ҳам кўрсатмоқда.

Мактабда ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши йилдан-йилга ўсаяпти. Мураббийларнинг ўз устида ишлаб, касб маҳоратини ошириши ва ўқувчиларнинг пухта билим олишида, дарс жараёнини такомиллаштиришда ҳар йили мавжуд фанлар бўйича 100 соатдан ортиқ очиқ дарслар фестивалининг ўтказилиши муҳим ўрин тутмоқда.

Математика ўқитувчилари А.Халилова, М.Санаева, биологлар М.Юсупова, Л.Ўролова, инглиз тилидан З.Каримовнинг тайёрлаган очиқ дарслари ёшлар шуурида чуқур билим ва кўникмаларни шакллантиришда асосий омил бўлмоқда. Бундан ташқари, «Баркамол авлод — Ўзбекистон келажаги», «Истиқлолим — истиқболим», «Тарихий обидаларимиз», «Ўлкам табиати» каби бир қатор мавзулардаги иншо, расм ва қўшиқлар кўрик-танловлари ҳам ўқувчиларни янада кўпроқ изланишга, ўқувчиларни эса ижодкорликка ундамоқда.

**Нозим РЎЗИМАТОВ,**
**ўқитувчи**

## М.ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ҲАМДА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИНИНГ МИРОБОД ТУМАНИ БЎЛИМИ ҲАМКОРЛИГИДА "ЮРТ КЕЛАЖАГИ – БАРКАМОЛ АВЛОД ҚЎЛИДА" МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

Семинарга мактаб, коллеж, академик лицей директорлари, олий таълим муассасалари проректорлари ҳамда тегишли соҳа мутахассислари жалб этилди. Дастлаб, "2010 йил — Баркамол авлод йили" Давлат дастури ва олдимизда турган вазифалар" ҳақида Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуроновнинг маърузаси тингланди. Физика-математика фанлари доктори, профессор М.Кумсковнинг Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали мисолида таълим сифати, у ердаги ўқитиш анъаналари ва фан ютуқлари ҳақидаги маърузаси ҳам барчада қизиқиш уйғотди. "Баркамол авлод тарбиясида психология фанининг ўрни" маърузаси билан психология фанлари номзоди Н.Березанская сўзга чиқди. У сўзининг бошида "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини холис эксперт сифатида кўриб чиққанини ва бундай масалаларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши келгусида Ўзбекистон тараққиётига улкан зафарлар олиб келишини тўлқинланиб гапирди. Олима Давлат дастуридаги масалалар ижросини Ўзбекистон шароитида бемалол амалга ошириш мумкин, чунки ўзбекистонлик ёшларнинг билим савияси ва иқтидори юксак даражада, деб баҳолади.

**Шаҳноза АКРАМОВА**

*O'qituvchining darsi ibtidosiga ana shu «bo'yinbog'» elementini jo etishida ham bir hikmat — murabbiylik mahorati jam go'yo.*



# ИЖОДИЙ РАҚОБАТ ТАНТАНАСИ

## дастлабки ғолиблар аниқ, танлов давом этмоқда

(Давоми. Боши 1,3-бетларда.)

*"Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2010"*

расида бугун юртимизнинг барча таълим даргоҳлари замонавий техник воситалар, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Энди бутун диққат-эътибор улардан оқилона фойдаланиб, олинган билимларни амалда кўрсатишга қаратилиши лозим.

Бахмал туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси Малоҳат Зиядуллаева "Ўтказгичларни кетма-кет ва параллел улаш" мавзусида лаборатория ишини бажармоқда. Ўқитувчининг электр қўнғироғи, электродвигател, электромагнит каби асбобларни бирин-кетин ишлатиб кўрсатиши, улар ҳақида гапириб бериши унинг анчагина тажрибали эканлигини кўрсатса, Фарғона вилояти вакили Зулфия Қодированинг 7-синфда "Мажбурий тебранишлар" мавзусида ўтган дарси барчада катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, унинг дарс давомида ўқувчилар фаоллигини ошириш мақсадида физик муҳит яратиш, тезкор савол-жавоблар, хотира машқи, тажриба намойиши каби усуллардан фойдалангани ва асосан, ўқувчиларни фаолликка ундагани нотаниш синфда ўқувчилар билан тезда тил топишиб кетишини таъминлади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманидаги 71-мактаб ўқитувчиси Ботир Раззоқовнинг дарси эса ўқитувчининг ўз тайёрлаб келган кўргазмали қуролларга бойлиги билан ўқувчилар қизиқишини тезда тортди-қўйди. Гарчи бошида озгина ҳаяжон сезилган бўлса-да, кейинчалик ўзини эркин тутиб, мавзуни хотиржам тушунтириши натижасида ўқувчилар «Қуёш системаси, сайёралар ва уларнинг йўлдошлари» мавзуси бўйича етарлича билимга эга бўлди.

— Икки кун мобайнида иштирокчиларнинг амалий ишларини кузатиб, баҳолаб бораяпмиз, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Сергели туманидаги 6-давлат ихтисослаштирилган мактаби физика фани ўқитувчиси Моҳидил Йўлдошева. — Лаборатория машғулотини бажариш учун 25 дақиқа вақт ажратилган бўлиб, бу жараёнда ўқитувчининг физик асбоблардан усталик ва моҳирлик билан фойдаланаётгани, машғулотни қандай усуллар ёрдамида ўтиши қай даражада тажрибали ўқитувчи эканлигини кўрсатиб беради.

Айни пайтда танлов қизғин тус олган. Гарчи ҳали ким ғолиб бўлиши аниқ бўлмаса-да, илк натижалар маълум.

### ГЕОГРАФИЯ

«География фанини ўқитишда ҳам кўргазмалилик катта роль ўйнайди. Дарҳақиқат, ўқувчи осмонўпар чўққиларни, қир-адирлар, дарёю кўлларни кўз ўнгида тасаввур эта олмас экан, фанга дахлдор назарий билимларни пухта эгаллаши қийин. Ер шарининг қайсидир нуқтасида жойлашган каттаю-кичик мамлакатлар хусусида гап бошлашдан олдин, дунё харитасига юзланишимиз, унинг иқлими, табиий бойликларию табиати борасида сўз очишимиз фаннинг ўзига хос жиҳатларидандир.

Мирзо Улуғбек туманидаги 142-мактабда бўлиб ўтаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашаётган география фани ўқитувчиларининг сабоқлари, амалий машғулотларини кузатиб, бунга яна бир бора амин бўлдик.

— Аввало, танловнинг республика босқичигача етиб келиш, бу йўлда қилинган меҳнатларнинг ўзи бир мактаб, ўқитувчи учун «ўсиш», — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси Ҳилола Неккадамбоева. — Яна бир қувончли жиҳати, иштирокчиларнинг ҳар бири ўзига хос янгилик яратишга, дарсларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш учун ижодий ёндашишга ҳаракат қилган. Дейлик, Навоий вилояти вакили Абдуҳаким Ҳакимов ўқувчилар билимини баҳолашнинг янгича услубини ишлаб чиққан бўлса, фарғоналик Дилбархон Асқарова машғулотларга ўқувчиларнинг фаол иштирок этишига эриша олгани билан диққатимизни тортди. Бухоролик Хуршида Зарипова эса дарс жараёнида об-ҳаво ҳақида маълумот берар экан, компьютер технологияларидан ўринли фойдаланиб, слайдлар асосида табиатдаги ўзгаришларни тушунтириб, кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди.

... Навбатдаги иштирокчи — қорақалпоғистонлик Ражаббой Қуранбоевнинг 6-синфда «Евроосиё ҳудудининг йирик табиий географик ўлкаларга бўлиниши» мавзусидаги дарсини кузатамиз. Гуруҳларга бўлинган ўқувчиларнинг байроғимиз акси туширилган бўйинбоғларни ифтихор билан тўғрилаб қўйишлариёқ кишининг қалбига фахр туйғуларини узатади. Ҳа, улар мустақил диёримизнинг бахтиёр ёшлари! Улар бу тотли туйғуни ҳар лаҳза ҳис этиб турмоқлари керак.

Ўқитувчининг дарси ибтидосига ана шу «бўйинбоғ» элементини жо этишида ҳам бир ҳикмат — мураббийлик маҳорати жам гўё. Ўқувчилар гуруҳлараро жам бўлиб берилган топшириқларни ранго-ранг бўёқларда қоғозга чизишар экан, ҳудуднинг табиий жойлашуви, қишлоғу шаҳарлари, дарёю кўллари ўз аксини топа боради. Тажрибалар ўқувчининг мустақил ишлаши кутилган натижага эришишда энг яхши усул эканини қайта ва қайта далилламоқда. Шу ўринда яна бир гап, ўқувчиларнинг дарсда фаол иштирок этаётгани уларда мазкур фанга қизиқиш ва пухта замин ҳам борлигини кўрсатиб турибди. Ўқитувчининг маҳорати эса ўзи илк бора дарс ўтаётган синф ўқувчилари билан қирқ беш дақиқа давомида самимий мулоқот ўрната ололгани, улар учун устоз даражасига кўтарила олганидадир.

### МУСИҚА

Чилонзор туманидаги 182-мактабда мусиқа фанидан танловнинг республика босқичи бўлиб ўтмоқда. Ушбу фан бевосита амалиёт билан боғлиқ бўлгани учун ҳам иштирокчи ўқитувчилардан маҳоратлироқ бўлиш талаб этилади. Ўз-ўзидан маълумки, бу фан ўқитувчилари назарий билимлар билан бирга, мусиқа асбобларини ижро эта олиши керак. Кўриниб турибдики, ушбу танлов шартларининг энг қизиқарлиси, бу амалий иш жараёнидир.

— 7-синфда ўтган "Телевидение ва кинонинг мусиқа ривожига таъсири" мавзусидаги намунавий дарсим ўқувчиларга жуда ҳам ёқди, — дейди Хатирчи туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Бегдулло Самбов. — Дарс мобайнида ўзбек халқ чолғу асбобларидан



кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилдим. Синф ўқувчиларини уч гуруҳга бўлиб, уларни чолғу асбоблари номлари билан номладим ва уларга ўзим аввалдан тайёрлаб келган ёрлиқларни тарқатиб, исмларини ёзиб чиқдим. Дарс охирида улар "Биз сизни унутмаймиз, устоз", дейишди. Бу менга берилган энг юқори баҳодир.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 300-мактаб ўқитувчиси Зиёда Ишмуродованинг 5-синфда "Сулаймон Юдаковнинг Майсаранинг иши операси, унинг яратилиш тарихи, ўрни ва аҳамияти" мавзусида ўтган дарси ҳам ҳакамлар ҳайъати ва ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Чунки ўқитувчи ўз дарсида мусиқани бошқа фанлар билан боғлаб, янги педагогик технология ва видеолавҳалардан самарали фойдаланди.

Куй-қўшиқлар, миллий чолғу асбобларининг нозик торларидан таралувчи оҳанглар оғушида ўтаётган танловнинг бошқа шартлари ҳам қизғин давом этмоқда.

### ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

"Иқтисодий билим асослари" фанидан ўтказилаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2010" кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчиси — жиззахлик Дилшод Норматов гарчи энг ёш қатнашчилардан бири бўлса-да, ўзига берилган топшириқларни юқори савияда адо этишга ҳаракат қилмоқда. У танловнинг энг асосий ва муҳим шарти ҳисобланмиш намунали дарс ўтишда Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб ўқувчилари билан тез тил топиша олди, улар билан бир гуруҳ, бир жамоа бўлиб шартни бажарди. Ёш педагог 8-синф ўқувчилари учун "Жамғариш ва суғурта" мавзусини ўтар экан, асосан ўқувчилар кучига таянди. Уларни банк ва солиқ гуруҳларига бўлиб, "Замон ишлаганники, изланганники, ишбилармонники" шиори остида ўқувчилар диққат-эътиборини бир жойга тўплаб, иқтисод фани ва ҳаётни уйғунлаштирди. Дарс мобайнида "Баркамол авлод йили" муносабати билан ўқувчилар энг фаол, энг зукко, энг билимдон номинациялари бўйича аниқлаб борилди.



Кўрик-танловнинг бошқа иштирокчилари ҳам шартларда бор маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Навоий вилояти вакили Шавқиддин Очиловнинг 9-синф ўқувчиларига "Меҳнат бозори ва ишсизлик" мавзусида ўтган намунали дарси ушбу фикримизни исботлайди.

— Ҳозирги кунда ўзим ишлаб чиққан "Уч саволга тўрт жавоб" методи Навоий вилоятида оммалаштирилиб, Республика таълим маркази томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Ушбу янги метод тест олиш шаклини бироз мураккаблаштириб, унинг самарадорлигини оширади. Бугунги намунали дарсимда ҳам ушбу янги усулдан фойдаландим, — дейди Шавқиддин Очилов.

Айни дамда танлов қизғин давом этмоқда. Барча иштирокчиларни олдинда билим ва тажрибаларни синовдан ўтказувчи, энг кучлиларни саралаб олувчи навбатдаги довонлар кутмоқда.

### ЧИЗМАЧИЛИК

Чизмачилик аниқликда математика ва геометрия, нафосатда тасвирий санъат, долзарбликда физика, назария ва амалиёт кесимида меҳнат, бетакрор гўзалликда архитектура билан чамбарчас боғлиқ. У педагогдан нафақат билим ва тажрибани, балки истеъдод ва иқтидор, маҳорат ва сабр-тоқатни ҳам талаб қилади. Меҳнатлари фақатгина амалиётда кўзга ташланувчи бу фан ўқитувчилари кўрик-танловининг республика босқичи Собир Раҳимов туманидаги 243-мактабда намунали ташкил этилмоқда. Барча вилоятларнинг чизмачилик фанидан бу йилги йўлбошчилари танлов шартларини белгиланган талаблар асосида бажариш баробарида, билим ва маҳорат синовида тобланиб, бошқа иштирокчилар билан тажриба алмашмоқда.



16 йилдан буён чизмачиликдан сабоқ бериб, фанни икир-чикирларигача ўзлаштириб олган, ҳар бир мавзу, ҳар битта дарс ўзининг яқин қадрдонига айланган бўлса-да, қалбига танлов солган ҳаяжон билан намунали дарс ўтишга ҳозирлик кўраётган Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси Ғулом Самиев билан суҳбатлашар эканмиз, бу синовларда тобланиш саодати қанчалик мароқли эканига амин бўламиз.

— Бу фанда ўқувчиларнинг қўл машқларига кўпроқ эътибор қаратиш лозим, — дейди Ғ.Самиев. — Шунинг учун махсус хитой қоғозидан тайёрлаб келганман. Улардан фойдаланиб, ўқувчилар қўл машқларини бажарадилар. Шунингдек, ўқувчиларнинг доскада ишлашлари, кўргазмали қуроллар ёрдамида аниқ тасаввурларини кенгайтириш ва деталлар чизмасини оқ қоғозга туширишларига аҳамият бераман. Ўқувчиларни уч гуруҳга бўлиб, ўтилган дарсни такрорлаш, янги — "Эскизлар ҳақида тушунча ва уларни чизиш тартиби" мавзусини ўтиш ва уни мустаҳкамлаш учун мавзуга доир тезкор саволлар бериш, турли педагогик усуллардан фойдаланишни режалаштирганман.

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларидан бири Қораўзакдан ташриф буюрган Қайрат Тажимуратов яна бир иштирокчилардан бири. 2006 йили Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида капитал таъмирланиб, чизмачилик дарсида фойдаланиш учун бир қанча кўргазмали қуроллар, плакатлар, асбоб-ускуналар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган 13-мактабда шу фандан сабоқ берувчи ўқитувчи кўрик-танловда қатнашар экан, намунали дарс ўтишда ўқувчилар тилини топиш учун педагогик маҳорат билан биргаликда қорақалпоқ тилида мавжуд чизмачилик атамаларини ўзбекчага ўгириш, иложи борича тушунарли, осон сўзларни қўллаб сабоқ бериш зарурлигини таъкидлади.

**Нурлан УСМОНОВ,
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Ойбуви ОЧИЛОВА,
Райҳона ХЎЖАЕВА,
Санжар РУСТАМОВ,
Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Анвар ҚОБИЛОВ,
«Ma'rifat» мухбирлари**

Суратларда: кўрик-танлов жараёнидан лавҳалар.

**Б.РИЗОҚУЛОВ, В.ГРАНКИН олган суратлар.**

*2010-yil — Barkamol avlod yili*

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ва "Меҳр нури" жамғармалари ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган "Биз — бир жамоамиз!" номли ёшлар акцияси Самарқанд шаҳрида ҳам юқори савияда ташкил этилди.**

# "БИЗ — БИР ЖАМОАМИЗ!"

Форум дастуридан ўрин олган бўш иш ўринлари ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ярмаркасида Самарқанд вилоятининг барча шаҳар ва туманларидан 350га яқин корхона ва ташкилот вакиллари иштирок этиб, 12 мингдан ортиқ бўш иш ўринларини таклиф этишди.

— Бизда 18та бўш иш ўрни бўлиб, муҳандислик, чилангарлик, назоратчи ва пайвандловчи мутахассисликлари бўйича ходимларни ишга олишни режалаштирганмиз, — дейди "Тайлоқтумангаз" филиали кадрлар бўлими бошлиғи Ҳилола Жўраева. — Бу борада Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва мазкур соҳага оид касб-ҳунар коллежларининг бир гуруҳ ўқувчилари билан меҳнат шартномаси тузишни келишиб олдик.

Ярмарка давомида олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битираётган йигит-қизлардан 862 нафари ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

— Мен Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг тўртинчи курсини тамомлаяпман, — дейди талаба Шерзод Ҳамдамов. — Бугунги меҳнат ва миллий ҳунармандчилик ярмаркасида вилоят архитектура-қурилиш бош бошқармасига архитектор бўлиб қабул қилиндим. Кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган қадим Самарқандимизнинг янада чирой очиб бориши учун куч-ғайратимни аямайман.

Шунингдек, тўрт мингдан ортиқ ёшларга ўқиш ва малака оширишлари борасида мутахассислар томонидан тегишли маслаҳат ва тавсиялар ҳам берилди.

Ёшлар марказида ўтказилган форумда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳомийлар, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг грант ва стипендиялари соҳиблари ҳамда фаол йигит-қизлар иштирок этишди.

Тадбир доирасида ташкил этилган "Бизнес-режа" семинар-тренингида мазкур йўналишга иштиёқманд ёшлар ўзларининг бизнес лойиҳалари билан қатнашди. Ёш тадбиркорларнинг бизнес режалари малакали мутахассислар томонидан юқори баҳоланди ва уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

— Форум доирасида амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳам йилдан йилга кенгайиб бормоқда, — дейди тадбир иштирокчиси Феруз Зоҳидов. — Ўтган йили 3та йўналиш бўйича ўтказилган Форум дастури бу йил бешта йўналишда бўлди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркор аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида "Меҳр нури" жамғармаси томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. "Садаф" ресторанида ўтказилган тадбир вилоятимизнинг тадбиркор аёлларига моддий ва маънавий кўмак бериш, улар фаолиятини янада кенгайтиришга қаратилди.

— Айни пайтда юртимизда барча соҳаларда кенг имкониятлар яратилган, фақат улардан унумли фойдаланиш керак, — дейди Аёллар кенгаши раиси Ҳадича Жаъфарова. — Берилган имкониятлардан оқилона фойдаланган тадбиркор аёлларимизни қўллаб-қувватлаш асосий вазифамиздир. Шу мақсадда чекка туманларда якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркор аёлларга 550та тикув машинаси тақдим этилди.

Акция доирасида «Samarqand-STV» студиясида "Баркамол авлод йили: эътиборда ёш журналистлар" номли медиафорум ўтказилди. Унда Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, ҳудудий телерадиостанциялар, босма нашрлар вакиллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

— "Ёшлар телестудияси"ни ташкил этишдан мақсадимиз соҳага қизиқиши бор ёшларга журналистика бўйича билим ва кўникма беришдан иборат, — дейди вилоят телерадиокомпанияси вакили Муҳаммаджон Бекмуҳаммедов. — Унда танлов бўйича қабул қилинган тингловчиларга махсус ўқув-тренинглар асосида тажрибали журналистлар сабоқ берадилар.

Медиа-форум иштирокчилари "Ёшлар ҳаётини ОАВда ёритишнинг маънавий-мафкуравий асослари", "Ёш журналист кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари", "Вилоят ОАВда ёшлар ҳаётининг ёритилиши" мавзуларида фикр алмашдилар. Шунингдек, акция иштирокчилари "Ёшлар студияси" ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлими қошидаги "Келажак пресс" матбуот маркази фаолияти билан танишдилар.

Эрта тонгдан карнай-сурнай садолари остида бошланган "Биз — бир жамоамиз!" ёшлар акцияси самарқандлик ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Ҳаким ЖЎРАЕВ.**
Самарқанд вилояти

# ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ — УМУМБАШАРИЙ МУАММО

*Dolzarb mavzu*

Тинчлик ва фаровонлик. Бу иккиси халқимизнинг азалий орзусидир ва уларга мустақилликсиз эришиш мушкул. Ҳар бир хонадонимизда кунига камида уч марта дуога қўл очилганда, иккиси ҳам сўралади. Зеро, тинчлик ва фаровонликнинг асл моҳиятини ўтган асрнинг суронли кунларида кун кечирган буважону бувижонларимиз ва уларнинг ўгитларини эшитиб улғаётган бугунги кун ёшлари яхши англайди.

Куни кеча Республика Маънавият-тарғибот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ташаббусида ўтказилган «Тинчлик, барқарорлик — тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омилидир» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, республика Маънавият-тарғибот маркази, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ вакиллари, Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари проректорлари иштирок этдилар.

Дастлаб давра суҳбати иштирокчилари "Тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари", "Миллий мафкурамизда тинчлик ва фаровонлик ғояларининг ўзаро узвийлиги", "Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тутган ўрни" каби мавзуларда маъруза тингладилар. Сўнгра иштирокчилар тинчликни сақлаш ва ёшлар унинг қадру қимматини тушуниб етишлари учун қандай чора-тадбирлар кўриш кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Глобаллашув жараёнида қайси мамлакат ёшлари тарбиясига алоҳида эътибор қаратилса, ўша давлатнинг келажакдаги тараққиётига ишонса бўлади. Бу борада юртимизда амалга оширилаётган ишларни кузатиб, кўнглимиз кўтарилади. Зеро, бизда ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар куни ОАВда биз фарзандларимиз онгу шуурига таҳдид солаётган оммавий маданият, диний экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик, миссионерлик ҳаракатларининг мақсадлари ва оқибатлари ҳақида бонг ураётган мақолаларни ўқиймиз. Таълим муассасаларимиз, маҳаллалар ва қатор ташкилотлар ёшларни бу хавфлардан ҳимоя қилиш, огоҳ этиш мақсадида кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда. Биз яна фарзандларимизда юрт тинчлигига дахлдорлик ҳиссини ҳам уйғотишимиз керак, — дейди республика Маънавият-тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов.

Шунингдек, иштирокчилар яна кўплаб масалалар, яъни кўпни мамлакатларда юзага келаётган мураккаб сиёсий вазиятлар, жаҳон бўйлаб келажак фаровонлигига раҳна солаётган «оммавий маданият» таҳдидлари ҳақида сўзлаш баробарида шундай вазиятда хавфсизликни қандай сақлаб қолиш, барқарорликни қандай таъминлаш, тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга қандай эришиш мумкин, деган саволларга жавоб изладилар.

**Зилола РУСТАМОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ — УЛУҒ

*Davra suhbati*

Қарши давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг вилоятдаги мутасаддиси, вилоят ички ишлар бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими кенгаши, Ўзбекистон халқ демократик партияси вилоят ва Қарши шаҳар кенгаши ҳамкорлигида «Одам савдоси — бу инсониятга, инсон қадр-қимматига қарши жиноятдир» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатини Қарши давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг вилоятдаги масъули Муродулла Нормуродов очиб, одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг бажарилиши борасида маъруза қилди.

— Бугун биз, — деди нотиқ ўз маърузасида, — дунё миқёсида глобаллашув жараёнининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бу жараён табиийки, ижобий жиҳатлари билан бир қаторда инсоният олдида жамият тараққиётига таҳдид солувчи турли муаммоларни ҳам вужудга келтирмоқда. Хусусан, дунёда содир бўлаётган мафкуравий кураш, экологик муаммолар, маънавий қашшоқлик қаторида одам савдоси ҳам бугунги даврнинг долзарб муаммосига айланиб бормоқда.

Мазкур анжуманда, шунингдек, вилоят ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик бўлинмаси бошлиғи, майор Ч.Кўчаровнинг «Одам савдоси — инсониятга, инсон қадр-қимматига қарши жиноятдир», Халқ депутатлари вилоят кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси раиси, вилоят касаба уюшмаси ташкилотлари уюшмаси раиси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси Э.Ражабовнинг «Одам савдосига қарши курашиш барчанинг иши» мавзусидаги маърузаси тингланди.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими кенгаши раиси Я.Иноятов давра суҳбатида сўз олиб, талаба-ёшларга одам савдосига қарши курашишда барча ҳамкорликда иш олиб борса, ижобий самара бериши, яхши тарбия-тарбия топиши, улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада яхшилаш зарурлиги хусусида тўхталди.

Анжуманда, университет тарих факультети талабалари Э.Иброҳимов, З.Боймуродов ва У.Эшниёзова сўзга чиқиб, ёшлар бу иллатга бефарқ бўлмасликлари лозимлиги, шу боис мактаб, академик-лицей, коллеж ва бошқа таълим масканларида, меҳнат жамоалари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш давр тақозоси эканини баён этишди.

Фойдали фикр-алмашувлар, савол-жавоблар асосида ўтказилган мазкур давра суҳбатида талаба-ёшлар учун одам савдоси ва унинг мудҳиш оқибатлари хусусида ҳикоя қилувчи «Сароб» номли видеолавҳа намойиш қилинди.

**Муҳаммад ОЧИЛ,**
**университет Ахборот гуруҳи раҳбари**

*«Farovon hayot» fermer xo'jaligi tomonidan 1 million 350 ming so'mning eng sara o'quvchilarga stipendiya sifatida tarqatilishi, ehtimol boshqa tadbirkorlarni ham savob ishga undagan bo'lsa, ajab emas.*

*Ilg'or tajriba*

***• Жорий йил бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида мактабнинг 4 нафар ўқитувчиси юқори баллар тўплаб, ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.***

***• Яқиндагина якунланган фан олимпиадаларининг вилоят босқичида мазкур илм даргоҳининг 9-синфида таҳсил олаётган 24 нафар ўқувчи фаол иштирок этиб, улардан 16 нафари фахрли биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.***

***• 5-синф ўқувчиси Гавҳар Бахриддинова «Конституция — бахтимиз қомуси» мавзусида ўтказилган баёнлар кўрик-танловининг республика босқичида ғолибликка эришди.***

***• Озод Қурбонов ва Собир Тоғаев «Янги авлод» кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этишди...***

***• Таълим масканида ихтисослаштирилган синфлари ўқувчиларининг биринчи ярим йиллик якунларига кўра, барча фанлардан ўзлаштириш даражаси таҳлил этилганда, самарадорлик 93,6 фоизни ташкил этди.***

***• 2006 йилдан мактаб вилоят, "Иқтидорли болалар билан ишлаш бўйича, 2009 йилдан янги педагогик технологияларни таълимга жорий этиш" йўналиши ҳамда "Тарих ва ҳуқуқшунослик" фанлари бўйича шаҳар миқёсида таянч мактаби сифатида фаолият юритиб келмоқда.***



# МУНОСИБ ТУҲФА

... Бу каби ютуқларни санаб ўтиш осон. Лекин уларнинг ҳар бири ортида катта заҳматли меҳнат, фидойилик, жамоанинг якдилу яккадам бўлиб ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларни қадрлашга, муносиб жавоб беришга уринишдек катта масъуллик жам. Қатор йиллардан буён мониторинг натижаларига кўра, Навоий шаҳрида пешқадамликни қўлдан бермай келаётган 11-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби том маънода ибрат маскани, десак муболаға бўлмас. Чунки, бу гўшада ҳеч ким шунчаки меҳнат қила олмайди. Йўқса, жамоадаги жўшқин муҳит қозонида қайнаши қийин. Ўқитувчиликни санъат даражасига кўтара олган бу жамоанинг ҳар бир вакили. Шу боис ҳам ўқувчилари даврларда баҳс бойлашса, доимо қўллари баланд.

*— Мактабимиз биноси Умуммиллий дастур асосида ўтган йили капитал таъмирдан чиққач, имкониятларимизнинг даражаси бирмунча кенгайди, — дейди мактаб директори Гулнора Жуманиёзова. — Синфхоналарнинг замонавий, кимё-биология фанларини ўтиладиган хоналарнинг махсус мебеллар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши дарсларнинг ҳар томонлама мароқли, жонли ўтишига, ўқувчиларимизнинг қизиқишини янада оширишга хизмат қилаётир. Бизнинг олдимизда эса мазкур жиҳозларни асраб-авайлаб, улардан самарали фойдаланиш, айни пайтда бу имкониятларга муносиб жавоб қайтаришдек вазифа кўндаланг туради. Жамоамиз эришган, эришаётган ютуқлар ана шу ишонч, ғамхўрликларга бизнинг жавобимиз, туҳфамиздир.*

Дарвоқе, жамоада мавжуд 9та методбирлашма фаолиятига алоҳида урғу берилади. Чунки, ўқитувчининг дарсларни бугунги талаблар даражасида ташкил этиши, тажрибаларини бойитиб, замон билан ҳамнафас яшашида методбирлашмаларнинг ўрни беқиёс. Шу асно-да ҳар бир бирлашма фаолият мониторинги ўрганиб чиқилди. Уларнинг бевосита ташаббуслари билан «Очиқ ҳисобот дарслари» ташкил этилиб, бу сабоқларга маҳалла фаоллари, ота-оналар қўмиталарининг вакиллари, шаҳар ва вилоят мактабларидан ўқитувчилар, ҳатто аълочи ўқувчилар ҳам таклиф этилди. Билдирилган ҳар бир таклиф ва мулоҳазалар эътиборга олиниб, методбирлашмаларда кўриб чиқилди. Бу уринишлар муаллимларнинг иш услубларини мукаммаллаштира борар, ўз-ўзидан дарслар ижодий тус оларди. Натижаларга баҳо беришда эса, ўқувчининг мавзуларни ўзлаштириш даражаси, қарашларидаги теранлик, одоб-ахлоқидаги гўзал хислатлар, улардаги ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилиятларининг камоли каби жиҳатлар, албатта, эътиборга олинади.

Толиби илмларнинг билим, кўникма, малакаларидаги Давлат таълим стандартларига мослик даражаси синфлар кесимида узлуксиз тарзда ўрганилиб бориши, мавжуд бўшлиқларни ўз вақтида тўлдириш имкониятини яратди.

Албатта, баркамол шахс тарбияси мураккаб жараён. Демак, ўқувчиларга пухта билим бериш баробарида уларни катта ҳаётга тайёрлаш, қалбларида Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизни азиз тутиш, жамият, эл равнақи учун жон куйдиришдек ҳисларни қарор топтириш ҳам мактаб таълим-тарбиясининг узвий бир бўлагидир. Билим масканида ташкил этилган ўнта фан ва йигирма иккита синфдан ташқари тўгарак ва клублар, саккизта спорт секцияларида айнан ана шу жиҳатларга эътибор қаратилиб келинади. 9-синф ўқувчиси Ш.Ҳамдамованинг «Халқаро тинчлик куни» муносабати билан ташкил этилган иншолар танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаши, Беҳруз Рашидовнинг шаҳар мактаблари ўртасида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари юзасидан ўтказилган кўрик-танловда ғолибликни, Жамшид Вафоевнинг «Қўл жанги», Жавоҳир Сатторовнинг бокс бўйича 1-даражали дипломларни қўлга киритиши каби бир қатор эришилган муваффақиятларда мактабдан ташқари ишларнинг тўғри йўлга қўйилгани хизмат қилмоқда.

Таълим маскани «Гулзор», «Турон», «Мустақиллик» маҳаллалари ҳудудида жойлашган. «Мактаб — маҳалла — оила» ҳамкорлиги борасидаги ишларнинг изчил суръатда давом этаётганлиги, айниқса, тарбия бобида ўзининг яққол натижаларини кўрсатаётир. Маҳалладаги нуроний отахон ва онахонларнинг турли тадбирларга таклиф этилиши, уларнинг мактабда яратилган бугунги имкониятлардан сўз очиб, хотираларини ёдга олиши табиий равишда ёшларни ўйга толдиради, кўнгилларига шукроналик, қарздорлик ҳиссини жо этади...

... Аҳил жамоа бугун ҳар қачонгидан-да жўшқин кайфиятда меҳнат қилмоқда. Негаки, уларнинг тўрт нафар вакили, яъни Дилфузахон Ҳасанова рус тили ва адабиёти, Ҳожиакбар Жўлиев тарих, Феруза Наджабова инглиз тили, Муқаддам Болтаева бошланғич таълим фанларидан «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этишмоқда.

Шунингдек, гарчанд 9-синф ўқувчилари номидан фан олимпиадаларининг вилоят босқичида қатнашган ўн олти нафар битирувчи ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиб — камдан-кам қайд этиладиган натижа, яъни бир мактаб толиби илмлари эришган ютуқ вилоят миқёсидаги билимлар баҳсида қайд этилган муваффақиятларнинг катта қисмини ташкил этиб турган бўлса-да, изланишлар тўхтаган эмас. Методбирлашмалар ўз олдига «Хўш, фан олимпиадасида ўқувчимиз Собир Тоғаев иқтисод фанидан 96, Бобомурод Ҳамдамов математикадан 93,75, Ситора Шарипова она тили ва адабиёт фани 93 бални қўлга киритиб турган бир пайтда бошқа фаннинг ўзлаштирилиш даражаси нега бундан кам бўлиши керак?» деган саволни кўндаланг қўйиб, ўз фаолиятларига танқидий нуқтаи назардан ёндашиб иш кўришмоқда. Бу эса фидойиликнинг узвийлиги, давомидир!

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

# МАКТАБГА ҚАЙИШГАН ҲОМИЙЛАР

Биринчи ярим йиллик якуни бўйича ҳар бир синфдан энг аълочи ўқувчини рағбатлантириш мақсадида совға улашилиши Боёвут туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабида 2000 йилдан бери анъанага айланган. 1999—2000 ўқув йилининг учинчи чораги якунида эса, ана шу ташаббус изидан ота-оналар қўмитаси раиси — «Ҳафиза бодом» масъулияти чекланган жамияти раиси Олимжон Ибодуллаев ҳар бир синфнинг аълочи ва хулқи намунали ўқувчиларидан 21 нафарига маълум миқдорда моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Навбатдаги чоракда ўқувчилар орасида стипендия олишга даъвогарлар сони 46 нафарга етди. Бу хушхабардан қувончини яшира олмаган Навоий номидаги маҳалла саховатпешалари ташаббусни қўллаб-қувватладидилар. Навбатдаги ўқув йилларида «Бурч»,

*Saxovat*

«Тулпор», «Сайхун», «Сайрам», «Ҳайитқул бобо» фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам ҳомийлик кўрсатиш ниятида мактаб маъмуриятига мурожаат қилди. «Фаровон ҳаёт» фермер хўжалиги томонидан 1 миллион 350 минг сўмнинг энг сара ўқувчиларга стипендия сифатида тарқатилиши, эҳтимол бошқа тадбиркорларни ҳам савоб ишга ундаган бўлса, ажаб эмас.

*Ўртача ўқийдиган, айни пайтда кам таъминланган оила фарзандларига ҳам ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида Абдурайим Маматқулов бошчилигидаги «Кафолат» масъулияти чекланган жамияти ҳар Янги йил байрами арафасида совға тарқатадиган бўлди. Мактаб ўқувчиларини моддий жиҳатдан рағбатлантиришда ташаббускор бўлаётган тадбиркорлар сафига «Анора» хусусий дўкони соҳиблари ҳам қўшилди. Улар шу ўқув йилидан бошлаб 6-синфнинг кўрсаткичи юқори ўқувчиларига стипендия бериб келмоқда.*

*Бир киши бошлаган ташаббуснинг кенг тус олиши фақат моддий жиҳатдан эмас, балки маънавий томондан ҳам ибрат бўла олади. Ўзларига ана шундай ҳомийлик кўрсатилаётгани ўқувчилар кўнглига яхши ниятни солаётганлиги эҳтимолдан холи эмас. Қолаверса, стипендия олиб ўқиётган ўқувчига қолганлари ҳам ҳавас билан қараши ва у каби бўлишга интилиши табиий.*

*— Мактабимиз ота-оналар қўмитаси синф раҳбарлари билан ҳамкорликда ишлайди, ҳар қандай муаммони ечишга тайёр. Агар мактабимизда 455 нафар ўқувчи ўқийдиган бўлса, улар ҳақидаги умумий маълумотни синф раҳбаридан ташқари ота-оналар ҳам билишади. Ота-оналар фақат йиғилишга эмас, балки вақти-вақти билан ўғли ёки қизи ўқийдиган синф дарсларига ҳам кириб туришади. Боласининг ўзлаштириш даражаси билан танишгач, ота-онаси унинг ютуқ ва камчиликларига қараб иш тутади. Улар ҳар чоракда ташкиллаштирадиган ота-оналар стендида мактаб — оила — маҳалла ҳамкорлиги бўйича қилинган ишларни қамраб олишмоқда, — дейди бу ҳақда мамнуният билан мактаб раҳбари Муҳтарам Ҳасанова.*

*Дарҳақиқат, мактабга мурувват кўрсатган, уни қайсидир жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлар бир нарсани яхши англайдилар. У ҳам бўлса, ўз халқининг фарзандини севган, унинг имкониятларини кенгайтириш ҳақида қайғурган, уларни бир-биридан ибрат олишга ундайдиган инсон ҳамиша обрў-эътибор қозонади ва бу энг улуғ яхшилик ҳисобланади.*

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

Ma'rifat
2010-yil 21-aprel



# O‘QUVCHINI FAOLLASHTIRISH OMILI

**Bugun yurtimiz iqtisodiyotda o‘zining aniq yo‘lini tanlab oldi. Bunga misol qilib besh tamoyildan iborat o‘zbek modelini keltirish mumkin. Bu modelning birinchi tamoyili iqtisodiyotning siyosatdan ustunligidir. Bu siyosat iqtisodiyotga aralashmaydi degani emas, balki siyosat iqtisodiyotni qonun-qoidalar asosida nazorat qiladi, deganidir. Buni oddiyroq misol bilan tushuntirsak: savdo do‘konining ichki qismi iqtisod, qo‘riqchilar turadigan joyini siyosat desak, ko‘rinib turibdiki, qo‘riqchilar savdo-sotiq ishlariga aralashmaydi, balki nazorat qiladi, xafv-xatardan himoyalaydi. Ayni paytda umumiy o‘rta ta’lim maktablarida iqtisodiyotga oid fanlar chuqur o‘qitilmoqda. Shu jumladan, 9-sinflar uchun mo‘ljallangan «Iqtisodiy bilim asoslari» fani ham mamlakatimizda ro‘y berayotgan iqtisodiy o‘zgarishlar haqida o‘quvchilarga kengroq ma’lumot beradi. Zero, o‘quvchilar jonajon Vatanimizning barcha sohalarida kechayotgan iqtisodiy o‘sishlar ma’nosi va ahamiyatini bilib olishi va tushunishi lozim.**

Bu borada Prezidentimiz Islom Karimovning 2009-yilning asosiy yakunlari va 2010-yilda O‘zbekistonni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi “Asosiy vazifamiz Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirishdir” mavzusidagi ma’ruzasida keltirilgan ma’lumotlar nihoyatda asqotadi. Quyida **“Iqtisodiy bilim asoslari”** fanini o‘qitishda majlis materiallaridan foydalanishning ahamiyati va yo‘llari haqida fikr yuritmoqchimiz. Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi sharoitida mamlakatimiz iqtisodiyotining barqaror rivojlanishi haqida to‘xtalib, Yurtboshimiz “Mamlakatimizni rivojlantirish, yangilash va modernizatsiya qilish bo‘yicha tanlagan strategiyamizni va inqirozga qarshi qabul qilingan dasturimizni amalga oshirish natijasida yurtimiz dunyodagi sanoqli davlatlar qatorida iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishning barqaror sur’atlarini ta’minlash, aholimizning moddiy farovonligini yuksaltirishga erishgani barchamizga katta mamnuniyat va iftixor bag‘ishlaydi, albatta”, — deb ta’kidladi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, “Iqtisodiy bilim asoslari” kursini o‘rganish jarayoniga, bizningcha, quyidagi materiallarni kiritish maqsadga muvofiqdir.

Butun iqtisodiyot banklar orqali boshqariladi, ya’ni banklarning faoliyatisiz iqtisodiyot rivojlanmaydi. Shuning uchun, **“Bank tizimi”** mavzusini o‘rganishda o‘quvchilarga banklar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni batafsil va aniq tushuntirish kerak. Ya’ni, so‘nggi ikki yilda tijorat banklarining umumiy kapitali ikki barobar ko‘paygani, birgina o‘tgan yilning o‘zida yetakchi banklarning nizom jamg‘armalarini oshirish uchun qo‘shimcha ravishda 500 milliard so‘mdan ortiq davlat mablag‘i ajratilgani va bugungi kunda O‘zbekiston bank tizimi qat’iy xalqaro talablarga javob beradigan darajada barqarorlik kasb etib, ayni paytda u belgilangan qator normativlar bo‘yicha mustahkam pozitsiyalarga ega ekanini aytish lozim.

*Sinab ko‘ring*

Mamlakatda olib borilayotgan keng qamrovli iqtisodiy islohotlarni amalga oshirishda, avvalambor, soliq siyosatini yanada takomillashtirish, soliqlarning turlari va ularning amal qilish mexanizmini soddalashtirish muhim masalalardan hisoblanadi. Mamlakatimiz rahbari o‘z ma’ruzasida soliq to‘lovchilarga soliqqa tortish tizimida qo‘shimcha imtiyozlar va preferensiyalar berish, soliqlarni unifikatsiya qilish, soliq yukini yengillashtirish, soliq qonunchiligining barqarorligini ta’minlash hamda ushbu yo‘nalishda ilg‘or mamlakatlar ijobiy tajribalaridan foydalanish lozimligini ta’kidlab o‘tdi. **“Soliq tizimi”** mavzusi o‘tilayotganda, yengil va oziq-ovqat sanoatining iste’mol tovarlari ishlab chiqarishga ixtisoslashgan korxonalari, shuningdek, ishlab chiqarishni mahalliylashtirish dasturida ishtirok etayotgan korxonalar uchun daromad solig‘i va yagona soliq to‘lovi bo‘yicha imtiyozlar yaratilganini aytib o‘tish maqsadga muvofiq. Shuningdek, o‘quvchilarga mavzuni kengroq tushuntirish maqsadida, uy-joy qurish va rekonstruksiya qilish bo‘yicha yangi tashkil qilinayotgan ixtisoslashtirilgan pudrat tashkilotlari 5 yil muddatga barcha turdagi soliqlardan ozod etilganini, korxonalar muassislarining kapitallashuv va investitsiya kiritishga yo‘naltiriladigan dividendlari ham ana shu muddatda soliqqa tortilmasligini va inqirozga qarshi choralar dasturini amalga oshirish doirasida soliq imtiyozlari va preferensiyalar berish hisobidan 500 milliard so‘mdan ortiq mablag‘ xo‘jalik subyektlari tasarrufida qoldirilib, bu mablag‘ ularning aylanma mablag‘larini to‘ldirish, ishlab chiqarishni texnik qayta jihozlash, yangi turdagi mahsulotlarni o‘zlashtirish, ishchilarni moddiy rag‘batlantirish uchun yo‘naltirilgani ta’kidlansa, nur ustiga nur bo‘ladi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning bosh maqsadi aholi turmush darajasini yanada oshirishga yo‘naltirilgan. Bu sohada amalga oshirilayotgan ishlardan biri aholi bandligini ta’minlash, ishsizlikni kamaytirish hisoblanadi. Bu holat **“Mehnat bozori va ishsizlik”** mavzusini o‘tishda kengroq bayon etilsa, maqsadga muvofiqdir. Jumladan, majlisda bayon etilgan, 2009-yilda mamlakatimizda 940 mingdan ziyod yangi ish o‘rinlari yaratilgani, ularning 500 mingga yaqini qishloq joylarda tashkil etilgani, kichik biznes sohasida 390 mingdan ziyod, shu jumladan, xizmat ko‘rsatish sohasida 270 mingdan ortiq yangi ish o‘rinlari ochilganini alohida ta’kidlamoq kerak.

Qishloq xo‘jaligidagi o‘sish esa 5,7 foizni tashkil etib, chakana savdo aylanmasi 16,6 foiz hamda aholiga pullik xizmat ko‘rsatish 12,9 foizga oshganligini aytish mumkin.

Hozirgi kunda tashqi dunyo bilan ikki tomonlama o‘zaro manfaatli aloqalarimiz rivojlanib bormoqda. **“Import va eksport”** mavzusida bevosita mamlakatimizning eksport salohiyati haqida keng to‘xtalinsa, o‘quvchilar amaliy bilimlarga ham ega bo‘lishadi.

Hukumatimiz tomonidan mahsulot eksport qiladigan korxonalarni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha ko‘rilgan chora-tadbirlar natijasida ularning barqaror ishlashini ta’minlashga erishildi, 2008-yilning 9 oylik natijalariga ko‘ra, respublikamizning tashqi savdo balansi 40,9 foizga, jumladan, eksport 62,9 foizga ortdi. To‘lov balansining ijobiy saldosi qariyb 4,5 mlrd. AQSH dollarini tashkil etgan. Bu esa 2007—2008-yilgi jahon moliyaviy inqirozining respublikamiz iqtisodiyotiga nisbatan kuchli ta’sir etmaganidan dalolat beradi. 2009-yilda eksport hajmini 2,4 foiz oshirishga erishildi. Bu o‘tgan yili tashqi savdo aylanmasini 2,3 milliard dollardan ko‘proq ijobiy saldo bilan yakunlash imkonini berdi. Bunday natija, o‘z navbatida, mamlakatimizda to‘lov balansining ishonchliligini va iqtisodiyotimiz barqarorligini yanada mustahkamlashga imkon berganini o‘quvchi-yoshlarga tushuntirish lozim.

O‘qituvchi **“Inflyatsiya va uning turlari”** mavzusini o‘tayotganda quyidagilarni aytib o‘tsa, o‘quvchilarga mavzu ko‘proq tushunarli bo‘ladi:

Mamlakatimizda inflyatsiya darajasi 7,4 foizni tashkil etib, 2009-yil uchun belgilangan prognoz ko‘rsatkichlaridan oshmadi. Bozorda iste’mol talabining pasayishi davom etayotgani narx-navo oshishini chegaralab turganligiga, qayerdadir deflyatsiya mavjudligiga qaramay, avvalo, pul mablag‘larining ulkan emissiyasi hisobidan banklar likvidligini saqlab turish maqsadida banklar va moliyaviy sektorlarning juda katta miqdorda pul kreditlari bilan to‘ldirilishi bir qator mamlakatlarda inflyatsiya jarayonlarining keskin kuchayib ketish xavfini yuzaga keltiradi. Bunday sharoitda kuchayib borayotgan inflyatsiya darajasini jilovlab turish nihoyatda mushkul vazifaga aylanishini tushunish qiyin emas.

**“Xalqaro iqtisodiy munosabatlar”** mavzusi har doim ham dolzarb. Zero, mamlakatimizning xorijiy davlatlar bilan aloqasi yil sayin kengayib bormoqda. O‘tgan yili iqtisodiyotga investitsiyalar kiritish hajmi 8,2 milliard dollarni tashkil etib, 2008-yilga nisbatan 24,8 foizga ko‘paydi. O‘quvchilarga bu kabi ma’lumotlarni berish mamlakatimizning xorijiy davlatlar bilan iqtisodiy aloqalari kengayib va mustahkamlanib borayotganini yetkazishda qo‘l keladi.

Mustaqillik yillarida ko‘plab korxonalar qurilmoqda va yangi ish o‘rinlari yaratilmoqda. **“Iqtisodiy o‘sish va rivojlanish”** mavzusini o‘rganishda yangi qurilayotgan yirik korxonalarni misol tariqasida alohida ta’kidlash va ularning qaysi joylarda qurilganini misol keltirish e’tiborlidir.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, nafaqat 9-sinf o‘quvchilari uchun, balki quyi sinflarda ham Yurtboshimizning yuqoridagi ma’ruzasidan foydalanib, o‘qituvchilar o‘tayotgan fani mavzulari doirasida mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar mohiyatini yoshlarga kengroq yetkazishga erishsalar, darslar mazmuni boyishi aniq.

**Dilmurod MAMASOBIROV,**
**Toshkent moliya instituti «Kredit-iqtisod» fakulteti talabasi**

# HUNARNING SIRLI OLAMI

**O‘quvchilarni milliy san’atimiz va ma’naviy qadriyatlarimizga mehr-muhabbat ruhida tarbiyalashda tasviriy san’at darslarining o‘rni beqiyos. Darhaqiqat, estetik tarbiyaning asosiy omillaridan biri bo‘lgan mazkur saboqlar o‘quvchilardagi noyob iste’dodni rivojlantirish, badiiy tafakkurni takomillashtirishda muhim rol o‘ynaydi. Innovatsion darslar yangi pedtexnologiyaning asosiy yo‘nalishlaridan bo‘lib, noan’anaviy usulda o‘tilgan mashg‘ulotlar dars sifati va samaradorligiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.**

**Biz quyida 4-sinflar uchun ana shunday darslardan birining ishlanmasini e’tiboringizga havola etmoqdamiz.**

**Darsning maqsadi:**
O‘quvchilarning doira ichida naqsh ishlash malaka va ko‘nikmalarini o‘stirish. Kulolchilik san’atiga oid ma’lumotlar bilan yaqindan tanishtirish.

**Tarbiyaviy:**
Guruh shaklida o‘tiladigan mashg‘ulotlar orqali o‘quvchilarni samimiylik, o‘zaro hurmat, ishchanlik va tartiblilik ruhida tarbiyalash.

**Rivojlantiruvchi:**
Mustaqil naqsh ishlash orqali badiiy tafakkur va tasavvurlarini rivojlantirish.

**Mafkuraviy:**
milliy qadriyatlar, san’at va madaniyat, o‘zbek kulolchiligining dunyo miqyosidagi o‘rni haqida tushuncha berish.

**Dars tipi:**
O‘tilgan mavzuni mustahkamlash.

**Dars uslubi:**
«Simpozium — Ko‘rgazma»

**Dars usuli:** Noan’anaviy.

**Darsning jihozi**
Doira shaklida naqsh ishlashga oid plakatlar. Sopol buyumlardan namunalar. Kulolchilikka doir kitob, illustratsiya, fotoslaydlar.

3 komplekt marker, 3ta $A_1$ formatdagi vatman qog‘ozi, 3 komplekt flamaster, rasm daftari, qalam, bo‘yoq, skotch, qog‘oz, yelim.

***KIRISH***

**«Sopol lagan uchun naqsh ishlash»** mavzusi 2 soatga mo‘ljallangan bo‘lib, 1-darsda kulolchilik tarixi, yurtimizdagi kulolchilik markazlari, mashhur kulollar, sopol buyumlar(lagan, kosa, shokosa, ko‘za, xum, piyola va h.k)ning yaratilishi, ularga ishlanadigan naqshlarga oid nazariy bilimlar beriladi. So‘ng o‘quvchilar sopol lagan uchun ishlangan naqsh namunasidan nusxa ko‘chiradilar. Uyga vazifa qilib, yuqoridagi ma’lumotlar asosida mustaqil doira shaklidagi naqsh ishlab kelish topshiriladi.

Hozir biz sizga tavsiya qilayotgan dars, bevosita avvalgi mashg‘ulotning uzviy davomi bo‘lib, noan’anaviy yo‘nalishda olib boriladi. Dars nazariy-amaliy mashg‘ulot tarzida o‘tkazilib, uning majoziy nomini **«Simpozium — ko‘rgazma»** deb atadik. Avvalo, sinf **«Keramika», «Mozaika», «Ornament»** guruhlariga bo‘linadi.

***IZOH:***

**1. «Keramika»** — kulolchilikning ruscha nomi.

**2. «Mozaika»** — shisha siniqlaridan yasalgan san’at asari.

3. **«Ornament»** — naqshlarning ruscha nomi.

***TASHKILIY QISM:***

**Psixologik muhit yaratish.**

Sinf bayramona bezatilgan. Kulolchilikka oid buyumlar (lagan, kosa, tovoq, xum, ko‘za, piyola, choynak va h.k) tartib bilan terib qo‘yilgan. Doira shaklidagi naqshlarni bosqichma-bosqich ishlash namunalari ko‘rsatilgan plakatlar osilgan. Tepada shior: «Laganning sirli olami». Sahnada **«Simpozium — Ko‘rgazma»** mehmonlari va ekspertlariga maxsus joy ajratilgan. Simpozium doirasida o‘tkaziladigan ko‘rgazma g‘oliblariga turli nominatsiyalar bo‘yicha maxsus sovg‘alar tayyorlangan.

Jumladan:

1. **«Eng yaxshi yosh kulol»**
2. **«Eng yosh kulollar guruhi»**
3. **«Eng yaxshi san’at bilimdoni»**

G‘oliblar uy vazifalari va og‘zaki javoblar bo‘yicha aniqlanadi. O‘qituvchi shart-sharoitdan kelib chiqib turli nominatsiyalar belgilashi mumkin.

***DARSNING BORISHI***

**O‘qituvchi:**
Hurmatli bolajonlar! Bugungi darsimizni «Simpozium — Ko‘rgazma» deb atadik. «Simpozium» — anjuman, yig‘in, majlis kabi ma’nolarni anglatadi. Simpoziumlar — qutlug‘ sana, tarixiy shaxs va tarixiy shaharlar yubileylariga bag‘ishlab o‘tkaziladi. Ular doirasida uchrashuvlar, ko‘rgazmalar tashkil etiladi. Bugungi anjumanimiz «Laganning sirli olami» deb nomlanib, o‘zbek kulolchilik buyumlaridan laganga bag‘ishlanadi. Biz simpozium davomida xalqimizning rizq-nasiba ramzi bo‘lgan lagan haqida ko‘plab ma’lumotlarga ega bo‘lamiz. Endi ruxsat bersangiz, bugungi mehmonlar va ko‘rgazma ekspertlari bilan tanishtirsam: mehmonlar tanishtiriladi.

***AMALIY TOPSHIRIQ:***

**Loyihalash va prezentatsiya metodi.**

Har bir guruhga qog‘oz o‘rtasida markazi bor nuqtaga joylashgan diametri 25-15-10 sm. lik aylanalar chizilgan $A_1$ formatdagi vatman qog‘ozlari, marker va flomasterlar tarqatiladi. Guruh sardorlari 1-shart yuzasidan qur’a tashlash yo‘li bilan amaliy topshiriq oladilar.

**Topshiriqlar:**

1. Berilgan lagan eskiziga lola, oygul, bodomgul kabi naqsh elementlaridan foydalanib — **«Islimi»** naqsh ishlang.

2. Berilgan lagan eskiziga to‘rtburchak, oltiburchak, sakkizburchak kabi naqsh elementlaridan foydalanib — **«Girih»** naqsh ishlang.

3. Berilgan lagan eskiziga islimi va girih naqsh elementlaridan foydalanib — **«Gulli girih»** — murakkab naqsh ishlang.

Guruh «Ijodkor»lari aylanalardagi lagan eskiziga topshiriq asosida **«Islimi», «Girih», «Gulli girih» yoki «Murakkab naqsh»** namunalaridan birini ishlaydi. Topshiriq bajarilgach, lagan eskizi atrofiga faqat mazkur guruh a’zolarining uyda bajarib kelgan diametri 16 sm. aylanalarga ishlangan mustaqil naqsh namunalaridan yelim yordamida yopishtirib chiqiladi.




Shu tariqa guruhlarning simpozium doirasidagi va shaxsiy ijodlaridan iborat ko‘rgazmalari tayyor bo‘ladi.

Ko‘rgazmalar skotch yordamida doskaga ilib qo‘yiladi. Simpozium ekspertlari tayyor ishlarni 10 ballik sistemada — 2 yo‘nalishda :

**Lagan eskizi — 5 ball;**

**Uy vazifasi — 5 ball** — tekshirib baholaydilar.

«Ijodkor»lar amaliy topshiriqni bajarishga kirishgach, «Nazariyotchi»lar ham nazariy bilimlari bo‘yicha sinovdan o‘tadilar.

***NAZARIY TOPSHIRIQ***

**«S.S.S» — «SOPOL — SOPOLDAN SIZGA SAVOL» METODI.**

O‘qituvchi:

Aziz bolajonlar! Mana endi navbat tasviriy san’at bo‘yicha bilimlaringiz aniqlashga yetib keldi. Buni biz «S.S.S» «Sopol — Sopoldan sizga savol» metodi orqali tekshirib ko‘ramiz. Ekspertlarimiz oldida 3ta sopoldan yasalgan kulolchilik idishlari (sopol ko‘za, sopol kosa va sopol choynak) turibdi. Ularga bugungi simpozium mavzusiga oid savol va topishmoqlar yashiringan. Guruhingiz sardori ixtiyoriy tanlov asosida, shulardan birini tanlashi va undagi savollarga birgalikda og‘zaki javob berishlaringiz lozim bo‘ladi.

**A. «S.S.S»: 5 BALL**

*1. Mening tuzilishim, ishlatilishim, naqshlarim haqida fikringiz?*

*2. Kulolchilik deganda nimani tushunasiz?*

*3. “Islimi” naqshga ta’rif bering.*

*4. Mashhur kulollar haqida ma’lumot bering.*

*5. Sopol va chinni buyumlar orasidagi farqni ayting.*

**A. «S.S.S»GA IZOH.**

a) Ko‘zalar uzun bo‘yli bo‘lib, sut, qatiq, suv saqlashga mo‘ljallangan.

b) Kulolchilik amaliy san’at turlaridan biri. Qizg‘ish-sariq gulli tuproqdan loy qoriladi, undan turli buyumlar yasalib, o‘choqda pishiriladi va qurigan jihozlarga rang beriladi.

v) Egri chiziqli o‘simliksimon elementlardan tashkil topgan shakl «Islimi» deyiladi. «Islimi» naqshlar oygul, barg, uchbarg, bodomgul, lolagul, gajak, margula kabi elementlardan stirilizatsiya yo‘li bilan yaratiladi.

g) M.Rahimov, A.Rahimov, M.Mamajonov (Toshkent); U. Jo‘raqulov, A.Muxtorov (Samarqand); Sh.Yusupov, I.Komilov, M.Narzullayev (Rishton); U.Umarov, A.Hazratqulov, M.Narzullayev (G‘ijduvon).

d) Yasaladigan loyi orqali farq qiladi. Sopolda gil tuproq ishlatilsa, chinnida unga kaolin qo‘shiladi.

**B. «S.S.S».— 5 BALL.**

*1. Mening shaklim, ishlatilishim, naqshlarimga ta’rif bering.*

*2. Lagan deganda nimani tushunasiz?*

*3. Kulollar qanday ijod qiladilar?*

*4. «Gulli girih — murakkab naqsh» nima?*

*5. Yurtimizdagi kulolchilik markazlarini ayting.*

**B. «S.S.S»GA IZOH**

a) Yapaloq bo‘yli, taypoq shaklda, suyuq ovqatlarga mo‘ljallangan.

b) Yapaloq bo‘y, chetlari biroz ko‘tarilgan, likopchadan katta, quyuq ovqatlar, ho‘l mevalar solinadigan idish. Uni kulollarimiz «Islimiy», «Girih», epigrafik usulda yozilgan yozuvlar, har xil qush, hayvonlar, hattoki odam rasmi bilan bezaganlar. Laganlar loydan, chinnidan, misdan, marmardan yasalishi mumkin.

v) Kulol — gilli tuproqdan loy qoriydi, charxda undan turli buyumlar yasaydi. Yasalganlarini o‘choqda quritib, so‘ng ularga tabiiy bo‘yoqlar bilan turli naqshlar solib bezaydi.

g) «Islimi» va «Girih» naqshlaridan tashkil topgan yaxlit kompozitsiya – «Gulli girih» — «murakkab naqsh» deyiladi.

d) O‘zbekistonda kulolchilikning Toshkent, Rishton, Samarqand, G‘ijduvon kabi markazlari juda mashhurdir.

**V. “S.S.S.” — 5 BALL.**

*1. Mening tuzilishim, ishlatilishim, naqshlarimga izoh bering.*

*2. Sopol idishlarga naqshlar qanday ishlanadi?*

*3. «Girih» naqshiga izoh bering.*

*4. Kulolchilik buyumlari necha turga bo‘linadi?*

*5. Sopol o‘yinchoqlar haqida fikringiz.*

**V. “S.S.S.”GA IZOH.**

a) Choynaklar yumaloq, cho‘zinchoq shakllarda yasaladi. Uning qopqog‘i, jo‘mragi, ushlaydigan bandi bo‘ladi. Turli-tuman naqshlar bilan bezatiladi. Choy ichiladi.

b) Sopol buyumlarga naqshlar “Qalami” va «Chizma» usulida ishlanadi. “Qalami” usulida bezak ishlariga naqshlarning rasmi chizib olinmasdan to‘g‘ridan-to‘g‘ri mo‘yqalam bilan solinadi. “Chizma” usulida avval buyumga gilvata — kesak bilan naqsh chizmasi ishlanib, keyin bo‘yoqdan rang beriladi.

Rishton, G‘ijduvon ustalari «Qalami» usulidan keng foydalanishsa, Toshkent kulollari ko‘proq «Chizma» uslubida ishlashadi.

v) To‘g‘ri chiziqlar geometrik shakllar: to‘rtburchak, beshburchak, oltiburchak, sakkizburchak kabi naqsh elementlaridan tashkil topgan naqshlar — “Girih” naqshlar deb ataladi.

g) Kulolchilik buyumlari yasalgan shakli tuzilishiga qarab, 2 turga ajratiladi. 1-yapaloq, past bo‘yli idishlar — lagan, kosa, shokosa, piyola, tovoq. 2-uzun bo‘yli idishlar — ko‘za, xum, qo‘shquloq, choynak, vaza va h.k. 1-yo‘nalishda ishlovchi ustalar **«Kosagar»**, 2-yo‘nalishda ishlovchi ustalar **«Ko‘zagar»** deyiladi.

d) O‘zbek kulolchiligida sopol o‘yinchoqlar yasash turi ham bor. Hunarmandlar loydan o‘yinchoq hushtak, turli hayvonlar, ertak qahramonlari, milliy urf-odatlarimizga oid animal yoki tipik obrazlarni ramziy-majoziy shakllarda yasashadi. Buxorolik X.Rahimova, urgutlik M.Obloqulov, samarqandlik A.Muxtorovlarning yasagan sopol o‘yinchoqlari chet ellik san’at ixlosmandlarini lol qilib kelmoqda.

**Ekspert ishi.**

Savollarga javoblari tayyor bo‘lgan har bir guruh «Nazariyotchi»lari navbat bilan javob beradilar. Javoblar tinglangach, simpozium ekspertlari amaliy va nazariy topshiriqlar bo‘yicha ballarni umumlashtirib, g‘oliblarni aniqlaydi.

**SIMPOZIUM YAKUNI**

So‘z taklif qilingan mehmonlarga beriladi. Ular o‘tayotgan simpozium va unda tashkil etilgan ko‘rgazma haqidagi fikrlarini bildirib, turli nominatsiya g‘oliblarini qutlaydilar. Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, zamonaviy pedtexnologiyaning noan’anaviy dars o‘tish usullari o‘quvchilarning ichki yashirin imkoniyatlarini yuzaga chiqarib, ularda faol fikr yuritish tamoyillarini rivojlantiradi, aqliy va badiiy ijodkorlik qobiliyatlarining shakllanishida muhim omil bo‘lib xizmat qiladi.

**Islomjon RAHMONOV,**
**Oqqo‘rg‘on tumanidagi 1-maktab o‘qituvchisi, Xalq ta’limi a’lochisi**

# *Mavzu: velosiped va velosipedchi*

## (“Yo‘l harakati qoidalari”, 7-sinf)

**Yurtimizda fan oyliklarining o‘tkazilishi o‘quvchilarning sifatli bilim olishlari uchun qo‘shimcha imkoniyatlarni yaratmoqda. Fan oyliklarida ma’lum fanning o‘tilishiga alohida e’tibor qaratilishi asnosida o‘quv dasturlarida belgilangan talablarni mukammal o‘zlashtirish bilan birgalikda, sinfdan tashqari, hayot uchun zaruriy bilim, ko‘nikma va malakaga ega bo‘layaptilar. Jumladan, aprel oyida estetik fanlar qatorida “Yo‘l harakati qoidalari” fanidan ham oylik namunali tashkil etilmoqda. Quyida 7-sinfda “Yo‘l harakati qoidalari” fanidan “Velosiped va velosipedchi” mavzusi bo‘yicha bir soatlik ochiq dars ishlanmasi e’tiboringizga havola etilmoqda.**

**Darsning ta’limiy maqsadi:** “Velosiped haydovchilari uchun qo‘shimcha talablar”, “Velosipedga qo‘yiladigan texnik talablar”, “Velosiped haydovchilarining guruh bo‘lib harakatlanishi” mavzulari yuzasidan o‘quvchilar bilimini mustahkamlash.

**Tarbiyaviy maqsad:** velosiped bilan harakatlanganda, yo‘l harakati qoidalariga rioya qilish, velosiped haydovchilariga taqiqlangan holatlarni eslatib o‘tish.

**Rivojlantiruvchi maqsad:** chorrahalardan o‘tish, piyodalar yo‘lkachasida harakatlanish, guruh bo‘lib harakatlanish kabi vazifalarni maktab hududidagi maydonchada ko‘rsatish.

**Dars turi:** umumlashtiruvchi.

**Darsning jihozi:** dars ishlanmasi, darslik, uslubiy qo‘llanma, mavzuga oid plakat va rasmlar, bukletlar, krossvord, devoriy gazeta, velosiped.

**Texnik vositalar:** multimedia, magnitofon.

**Darsning borishi:**

**1. Kirish.** O‘qituvchi bolalar bilan salomlashib, ularning darsga har tomonlama tayyorlanishlari uchun turli savollar beradi. Sana, hafta kuni, yilning nomlanishini so‘rab, ularni dars muhitiga moslashtiradi. Shundan so‘ng darsning tartibga soluvchi qoidasi haqida o‘quvchilarga tushunchalar beriladi.



**2. Darsimizning “Tartibga soluvchi qoida”si bilan tanishing:**

— siz 3 ta guruhga bo‘lingan holda o‘z joylaringizni egallashingiz kerak;

— guruh a’zolari “Velosiped haydovchilari uchun qo‘shimcha talablar”, “Velosipedga qo‘yiladigan texnik talablar”, “Velosiped haydovchilarining guruh bo‘lib harakatlanishlari” mavzulari bo‘yicha bilimlarni qay darajada o‘zlashtirganini namoyish etadi;

— qur’a tashlash orqali guruh sardorlari yuqorida nomlari keltirib o‘tilgan mavzularni tanlaydi va ular bo‘yicha topshiriqni olib, javob berish uchun tayyorlanadilar;

— o‘z guruhingizdan bittadan ijodkor va mohir o‘quvchini saylab olasiz.

**3. Ijodkorlikka undash, guruhlardagi “Mohir qo‘llar”ga topshiriq berish va guruhlararo savol-javob o‘tkazish.**

**O‘qituvchi:** — Har bir guruhdan bittadan “Mohir qo‘l” chiqib, o‘zi uchun tayyorlab qo‘yilgan ish stoliga o‘tiradi va konvertni ochib, savol kartochkasida berilgan izoh bo‘yicha topshiriqni bajarishga kirishadi.

**1-guruhning savol kartochkasida berilgan izoh:** *Bu belgi velosiped yo‘lkasi bilan kesishuv (chorraha emas) joylar yaqinida o‘rnatiladi. Bunday kesishuvlarda imtiyoz haydovchi tarafida bo‘lsa ham, u tezlikni kamaytirib, yo‘lga e’tiborni kuchaytirishi lozim.*

**2-guruhning savol kartochkasida berilgan izoh:** *Bu belgi velosiped va mopedlar harakatlanishidan tashqari kichik yo‘lak trotuar bo‘lmagan taqdirda undan xalaqit bermaslik sharti bilan piyodalarning yurishiga ham ruxsat etadi.*

**3-guruhning savol kartochkasida berilgan izoh:** *Yo‘llarda umumiy foydalanadigan transport turlari serqatnov bo‘lib, bekatda to‘xtashga, bekatdan qo‘zg‘alishga velosipedchilar xalal bermasligi uchun ko‘rsatilgan belgiga asosan, velosipedchilarning harakati taqiqlanadi.*

“Mohir qo‘llar” berilgan vazifani bajargunlariga qadar, guruhlararo savol-javob o‘tkaziladi.

**1-guruh uchun topshiriqlar:** Og‘zaki savollarga javob berish.

1. “Velosipedga qo‘yiladigan texnik talab” deganda nimani tushunasiz?

2. Kechki paytlarda yurish uchun velosiped qanday jihozlangan bo‘lishi kerak?

3. Nosoz velosipedda yurish nima uchun xavfli?

Guruh sardorlari uchun topshiriq:

Velosiped chizmasini chizish va qismlarga bo‘lish.

**2-guruh uchun topshiriqlar:** Og‘zaki savollarga javob berish.

1. Bolalarga necha yoshdan poygada ishtirok etish va yo‘llarda velosiped haydashga ruxsat etiladi?

2. Yo‘l harakati ishtirokchisi sifatida velosipedchiga qanday mas’uliyat yuklanadi?

3. Velosipedda yurishda qanday harakatlar taqiqlanadi?

**Guruh sardorlari uchun topshiriq:**

Velosipedchining ogohlantiruvchi ishorasini chizib ko‘rsating.

**3-guruh uchun topshiriq:** Og‘zaki savollarga javob berish.

1. Guruhdagi velosipedchilarning harakatlanish qoidalari haqida gapirib bering.

2. Guruh tartibga solingan va tartibga solinmagan chorrahalarda harakatlanayotganda, qanday qoidalarga amal qilishi kerak?

**3. Velosiped yo‘lkasida qanday harakatlanish talab qilinadi?**

**Guruh sardorlari uchun topshiriq.**

“Velosipedchilarning guruh bo‘lib harakatlanishi” mavzusida shunday satrlar bor: “Safar qatnashchilari iloji boricha...... maqsadga muvofiq bo‘ladi”. Nuqtalar o‘rnini to‘ldiring.

**4. Jipslashtirish** — 3ta guruhning “Mohir qo‘llar” ishtirokchilari o‘zlari yasagan ishlarni izohlaydilar.

**Birinchi guruhning “Mohir qo‘l” ishtirokchisi:** Bu — “Velosiped yo‘lkasi” belgisi bo‘lib, yo‘l belgilari guruhining ogohlantiruvchi belgisiga kiradi.

**Ikkinchi guruh “Mohir qo‘l” ishtirokchisi:** bu — yo‘l belgilarining 4-guruhidagi buyuruvchi belgilarga tegishli bo‘lib, “Velosiped yo‘lkasi” belgisi deb ataladi.

**Uchinchi guruh “Mohir qo‘l” ishtirokchisi** — bu yo‘l belgilaining uchunchi guruhiga kiradi, ya’ni taqiqlovchi belgiga tegishli bo‘lib, “velosipedda harakatlanish taqiqlanadi” belgisi deyiladi.

**5. Yo‘l qoidasi — umr foydasi.** O‘qituvchi multimedia va ko‘rgazmali plakat asosida o‘quvchilar bergan javoblarini to‘ldirib, ularga izoh beradi.

**6. Aql charxi — “Boshqotirma — bo‘sh o‘tirma”.**

**O‘qituvchi:** — Ma’lum daqiqalar ichida siz ushbu krossvordni yechishingiz kerak (o‘quvchilar boshqotirmani yechadilar, vazifa bajarilgach, o‘qituvchi javoblarni tinglaydi).

**7. Darsni yakunlash:**

**O‘qituvchi** — Mana, velosipedni mustaqil ravishda texnik sozlash, undan bemalol foydalanish, u bilan yo‘llarda qanday harakatlanish qoidalarini o‘zlashtirib oldingiz. Har bir o‘quvchi ko‘cha va yo‘llarda harakatlanayotgan paytda, albatta, qoidalarga, ko‘rsatilgan belgilarga qat’iy amal qilishi lozim.

Rag‘bat kartochkalari hisoblanib, g‘olib guruh aniqlanadi va dars davomida faol ishtirok etgan o‘quvchilar bilimi baholanadi. **Uyga vazifa:** “Kunlardan bir kuni chorrahada” mavzusida hikoya tuzib kelish topshiriladi.

**Dilfuza MAQSUDOVA,**
**Toshkent shahridagi 102-maktab “Yo‘l harakati qoidalari” fani o‘qituvchisi**

*Tavsiya*

# ХОТИРА УЙҒОҚЛИГИ – МАЪНАВИЯТ ГУЛТОЖИ

## таълим муассасаларида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни тадбирларини намунали ташкил этиш мақсадга мувофиқ

**Инсон қадри улуғ, хотираси муқаддас, у ўз аждодларини эсга олиб, эзгу ишларни ёд этади. Бу тушунчаларнинг барчаси хотира билан тирик. У нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги кунни ва келажакни ёрқин тасаввур этиш демакдир. Юртбошимиз фармони билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниб, Инсон хотираси ва қадрига нисбатан ҳурматни мужассам этган муҳим тарихий санага айланди.**

Хотира ва қадрлаш кунининг асл инсоний маъно-моҳияти юртимизда тарихий хотирани тўлақонли тиклашдир. Шу муносабат билан пойтахтимизда, вилоят ва туманларда халқимизнинг руҳи ва қарашларига ҳамоҳанг бўлган Хотира майдонлари ташкил этилди.

Ана шу майдонларда барпо этилган ёдгорлик мажмуаларида Иккинчи жаҳон уруши жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ватандошларимизнинг номлари махсус ишланган лавҳаларда зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилгани, улар ҳақида маълумотлар жамланган 35 жилддан иборат "Хотира китоби" чоп этилгани ибратли воқеа бўлди.

Зотан, "**Марҳумларни ёд этиш**", "**Тирикларни шод этиш**" — миллий характеримиз моҳиятини англатади. Фахрийларни эъзозлаш, уларнинг кўнглини олиш, инсонни қадрлаш ва улуғлаш, бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, буюк аждодларимизнинг муносиб вориси бўлиш, ўқувчи-ёшлар учун ўзига хос **маънавий қадрият**га айланмоғи жоиз.

Инсон маънавияти ўз хотиралари манбаида ривож топади. Хотира ҳам, қадрлаш ҳам инсон ақлу заковатининг улуғ неъмати, ҳеч қачон унутилмайдиган, абадий ва ардоқли одамийлик мезонларидандир. Ушбу тушунчалар қаърида инсонга, унинг хотираси, қадр-қимматига эҳтиром туйғуси қарор топган.

Хотира ва қадрлаш куни ўтмиш билан бугун ва келажак ўртасидаги доимий боғлиқликнинг воситаси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш ёшларни Ватан ва халқ озодлиги учун жон берган, фаровонлик йўлида ҳалол меҳнат қилган, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган кишиларнинг порлоқ хотирасига эҳтиром, кекса авлодга нисбатан иззат-ҳурмат кўрсатиш анъаналарини давом эттиришга даъват этади.

Республикамиздаги барча таълим муассасаларида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича "Ёш авлод онгу шуурида инсонийлик фазилатларини қарор топтириш, миллий оламини кенгайтириш — муқаддас бурчимиз" мавзусида чора-тадбирлар режаси тузилиб, ўтказиладиган тадбирлар махсус дастурлар асосида олиб борилади. Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳияти ва мақсади тушунтирилади. Ўтган аждодлар ҳаёти, фаолияти ҳақида маълумотлар, эсдаликлар тўплаш ишлари амалга оширилади. Режа тузишда, албатта, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари эътиборга олиниб, бошланғич синф ўқувчилари учун мураккаб бўлмаган, содда ва равон тартибда тадбир тартиботини тузиш мақсадга мувофиқ.

**Бошланғич синф ўқувчилари учун** "Тинчлик — бебаҳо неъмат", "Биз тинчлик истаймиз", "Юртимизда тинчлик бўлсин" каби мавзуларда тадбирлар ташкил этиш, "Тинчлик бўлсин оламда" мавзусида асфальтга расм солиш танловини ўтказиш мумкин. Шунингдек, болалар етакчилари ҳамда кутубхоначи раҳбарлигида қаҳрамонлик, мардликни ифода этувчи шеърлар, кичик ҳикоялар мутолаа қилиш, таассуротларини сўзлаб бериш каби тадбирлар ташкил этиш ўқувчиларнинг дунёқараши ва нутқини ўстиришга ёрдам беради.

**Юқори синф ўқувчилари** иштирокида ватанпарварлик руҳида ўтадиган тадбирларда театрлаштирган саҳна кўринишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Чунки саҳна кўринишларини намойиш этиш орқали ўқувчилар қалбида ўзлигини англаш, ватанпарварлик, она-Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат, миллий ғурур ҳисси янада ортади, юртига содиқлик туйғуси ўсади, турли оқимларга қарши собит тура оладиган Ватан фарзанди шаклланади.

Тадбир доирасида "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", "Инсон қадри улуғ — хотираси муқаддасдир", "Аждодлар хотираси муқаддасдир", "Хотира уйғонса гўзалдир", "Сиз ҳамиша қалбимиздасиз", "Инсонпарварлик — маънавият гултожидир", "Мангу ўчмас номингиз" мавзуларида машғулотлар, тарбиявий соатлар, адабий кечалар, суҳбатлар, учрашувлар, саҳна кўринишлари намойиш этиш, деворий газеталар ва кўрик-танловини ўтказиш мумкин.

"Тинчлик учун овоз берамиз" тадбирини ташкил этиб, уруш ва меҳнат фахрийларини таклиф этилади, улар ўз хотираларини сўзлаб беришади. Унда Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшиш хозирги замон ёшларининг муқаддас бурчи эканлиги уқтирилади.

Хотира — унутувчи дилларни уйғотувчи куч. Шундай кунларда кўнгилимиздаги эзгуликлар янада зиёда бўлишини истаб ўз даврининг фидойи алломалари бўлган инсонлар маънавий жасорат соҳибларини эслаш, уларнинг ҳаётий ибрат йўлини ўқувчи-ёшларга кўрсата олиш чексиз фахр туйғусини ўстиради.

Шу билан бирга, таълим муассасалари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирокида ногиронлар, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш, уларга кўмаклашиш;

— умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида "Хотира уйғонса гўзалдир" мавзусида иншолар танловини ўтказиш;

— «Саховатли болалар ҳаракати» аъзолари билан ҳудуддаги уруш ва меҳнат фахрийлари хонадонларига ташриф буюриш, ногиронларнинг уй ва ободонлаштириш юмушларига ёрдам бериш, уларни қутлаш, совғалар улашиш;

— умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ташкил этилган "Нафосат" ва "Ёш қаламкашлар" тўгараклари аъзоларининг ижодий ишлари кўргазмасини ташкил этиш;

— жойлардаги тарихий ёдгорликлар, хотира хиёбонлари, музейларга саёҳатлар уюштириш;

— Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортида мардонавор меҳнат қилган инсонлар ҳаёти ҳақида жонли мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил этиш ўқувчиларда катта таассурот уйғотади.

Барча фан ўқитувчилари машғулотлар давомида Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятини сингдиришда ижодий ёндашсалар, нур устига нур бўлади. Жумладан, математика дарсида қўлланиладиган қўшиш ва айириш, кўпайтириш ва бўлиш амалларидан фойдаланиб, уларни ҳаёти давомида қўлласа ҳам бўлади.

**Қўшиш** — Ватан равнақига ҳисса қўшиш.

**Айириш** — яхшини ёмондан, оқни қорадан айира билиш;

**Кўпайтириш** — дўстларни, эзгу ишларни кўпайтириш;

**Бўлиш** — ёвуз ниятларни бўлиб, парчалаб ташлаш каби ғояларни сингдириш мақсадга мувофиқ.

Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги кунимизни қадрлашга ўргатади. Қалбимизни хотира ва фахр туйғуси ҳеч қачон тарк этмасин. Биз **хотира** сўзининг ёнгинасида **қадр** сўзини ишлатамиз, хотира ва қадр бир-бирига боғлиқдир. Истардикки, шу икки олижаноб туйғу ҳеч биримиздан йироқлашмасин, ҳамиша қалбларимизда акс садо бериб турсин.

**Махфират ҚУРБОНОВА,**
**РТМ "Маънавий-маърифий ишлар" бўлими бошлиғи**

# ИБРАТ — УМРБОҚИЙ ҲИКМАТ

*Xotira — muqaddas*

Шундай инсонлар бўладики, уларнинг ҳаёти ибрат бўлиб, шогирдлар қалбида, фарзандлар юрагида, дўстлар ёдида, замондошлари шуурида, ижод намуналарида узоқ-узоқ замонлар яшайверади. Ўзбек тилшунослик фани шуҳратини, илмий салоҳиятини намойиш этишга ҳисса қўшган устоз аллома, филология фанлари доктори, профессор Меликул Нўшаров ана шундай сиймолардан бири эди.

Устоз 1936 йили Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги Қорақурсоқ қишлоғи (ҳозирги Жиззах вилояти Бахмал тумани)да деҳқон оиласида таваллуд топди. Отаси Нўшар ака иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Оиласида синглиси, укаси билан бирга онаси тарбиясида қолишади. Уруш йиллари қийинчиликларига қарамай мактабни муваффақиятли тамомлади. Сўнгра Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтига талабаликка қабул қилиниб, танлов натижасига кўра Киев давлат чет тиллар педагогика институтида ўқишни давом эттиради.

Ўқишга ташналик, илмий фаолиятга қизиқиш унинг келажак ҳаёт йўлини белгилаб берди. 1959 йили институтни битиргач, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети чет тиллар факультетининг роман-герман филологияси кафедрасида немис тили ўқитувчиси, кафедра мудири, чет тиллар факультети декани лавозимларида самарали меҳнат қилди ва «Ҳозирги немис ва ўзбек тилларида рамка конструкцияси» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Профессор Меликул Нўшаров илмий тадқиқотларида ўзбек тили Шарқ тилларига эмас, балки Европа тилларидан бири — немис тилига қиёслаб ўрганилиб, қиёсий тилшуносликнинг назарий ва амалий аҳамияти яна бир карра исботлаб берилди.

Ҳам илмий, ҳам педагогик, ҳам ташкилотчилик салоҳиятини ўзида мужассам этган устоз 40 йил давомида талабаларга немис тилининг назарий грамматикаси ва лексикологиясидан маърузалар ўқиди, немис тилини ўқитиш ва ўрганишнинг илмий-услубий йўлларини ишлаб чиқди. Йирик илмий тадқиқотлари самараси ўлароқ, бир нечта монография чоп эттирди, 200 дан зиёд илмий ва илмий-услубий мақолалар эълон қилди, қатор илмий анжуманларни ташкил этиш ва ўтказишга бош-қош бўлди.

Устознинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонига сазовор бўлганди.

Устознинг ёрқин хотираси ҳамкасблари, унинг улгурмаган ишларини собитқадамлик билан давом эттираётган садоқатли шогирдлари қалбида ўз ишига фидойилик, ҳалоллик ҳам илму-урфонда, ҳам ҳаётда ибрат намунаси сифатида абадий сақланиб қолади.

**Абдиназар ПАРДАЕВ,**
**СамДУ профессори, фалсафа фанлари доктори**

# ИЛМНИ АМАЛИЁТ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИБ



*Ta'lim fidoyilari*

Илм амалиёт билан уйғунлашгандагина ҳақиқий баҳоси намоён бўлади. Бунинг учун эса тадқиқотчи нафақат назарий, балки чуқур амалий билимга ҳам эга бўлиши лозим. Икки жиҳатни ҳам уйғунлаштириш учун эса узоқ вақт, сабр, матонат талаб этилади. Нурота туманида туғилиб, вояга етган Кубаймурат Исмайилов илк тадқиқотларга қўл урганда бу жиҳатдан асло ҳадиксирамади. Меҳнатсеварлиги ва механизация соҳасига меҳр қўйганлиги сабаб мактабни битириши биланоқ Тошкент ирригация ва мелиорация институти «Машиналарни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш» факультетига ўқишга кирди.

Институтни битириб, ўз олган билимларини амалиётда қўллаш ва тажриба орттириш мақсадида 1972 йили Жомбой тумани қишлоқ хўжалиги техникаси бирлашмасида дастлаб машина-трактор паркига техник хизмат кўрсатиш станцияси бошлиғи, кейинчалик эса «Гидравлик системаларини ва юргизиб юбориш двигателларини таъмирлаш» цехи бошлиғи лавозимларида ишлади. Беш йил давомида тўплаган катта амалий тажрибаси орқали ўша даврда механизация соҳасидаги бир қатор муаммоларни илмий асосдагина ҳал қилиш мумкинлигини англаб етган Кубаймурат Исмайилов 1977 йили Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтининг «Материаллар қаршилиги» кафедрасига ассистент лавозимига ишга кирди.

Билимга бўлган ўта чанқоқлик уни 1978-1979 йилларда Москва (Россия) шаҳридаги ҳозирги муҳандислик-қурилиш университетида «Қаттиқ жисмлар механикаси» ихтисослиги бўйича илмий тадқиқотчи бўлиб ишлашга ундади. Кафедра илмий лабораториясида ўтказилган бир қатор тажрибаларда қатнашди. Олинган натижаларни назарий жиҳатдан асослаш борасида бир неча ҳолатларнинг илмий режаларини ишлаб чиқди. Режа асосида қатъий ишлаган тадқиқотчи номзодлик диссертациясини ҳам ёқлади. Сўнгра у қадрдон СамДАҚИнинг «Материаллар қаршилиги» кафедрасига ишга қайтди. Дастлаб катта ўқитувчи лавозимида, сўнгра «Саноат ва фуқаро қурилиши» факультети декани муовини сифатида фаолиятини давом эттирди.

Кечки ва сиртқи бўлимда таҳсил олаётган талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш борасида қурилиш ташкилотлари билан хўжалик шартномалари, давлат бюджети илмий тадқиқот лабораторияларни ва базалари ташкил этишда иштирок этди. Техника фанлари доктори, профессор Кубаймурат Исмайилов бир неча номзодлик диссертацияларига илмий раҳбар, ўнлаб фан номзодлиги диссертация ишлари ҳимоясига оппонентлик қилган.

Бундан ташқари, устоз кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва услубий кўрсатмаларга тақризчи ва илмий муҳаррирлик қилиб келмоқда. У шу қаторда халқаро конгресс, конференциялар ва республика илмий конференцияларида қатнашиб, 120дан ортиқ илмий ва илмий-услубий ишланмаларини чоп этган.

**Х.ТЎРАЕВ,**
**техника фанлари доктори, профессор,**
**Т.ҚОСИМОВ,**
**техника фанлари номзоди, доцент**

*Barkamol avlod — mamlakat kelajagi*

# ИЗЛАНСАНГ, ОЛАМ ЎЗГАРАДИ

**...Нормон Муродов — қаттиққўл устоз. Унинг дарси бошланди дегунча ўқувчилар киришга қўнғироқ чалинмасдан синфда ўтиришади. Чунки улар математика ўқитувчисининг бу одатини — дарсга ўқитувчидан кейин келадиганларни ёмон кўришини билишади-да.**

**Нормон Муродов — ширинсўз, меҳрибон инсон. Лекин...**

— Агар мактабдан қониқарсиз баҳо олиб уйга қайтсам отам бир қўлимга кўпайтириш жадвалини, иккинчи қўлимга стулимизни ушлатиб қўйрди, — дея гап бошлади Шерзод Муродов ўқувчилик кезларини ёдга олиб. — «Нега отам синфдошларимга эмас, менга ҳам шу жазони қўллади, ахир, мен у кишининг фарзандиман-ку?!», дея отамдан аччиқланардим ёшлигимга бориб. Кейин ўйлаб қарасам, отам ҳақ экан. Агар, отам ўшанда мени жазодан озод қилганида эди, бугунги ютуқларга эришмаган бўлардим.

Кўпчилик «ўқитувчининг фарзанди бўлиш яхши», дейди. Ўқитувчининг фарзанди бўлиш сизга икки ҳисса масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам сиз ҳар томонлама бошқаларга ўрнак бўлишингиз керак.

1986 йил 10 августда Бухоро шаҳрида туғилган Шерзод Муродов 12-мактабни битириб, Бухоро давлат университети ҳузуридаги гимназияга ўқишга кирди. Гимназияда у аъло баҳоларда ўқиш билан бирга математика йўналиши бўйича фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритди. 2004 йили эса Бухоро давлат университетининг физика-математика факультетини тугатиб, давлат гранти асосида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультети «Алгебра ва функционал анализ» кафедраси магистранти бўлди. Иқтидорли тадқиқотчи университетда ўтказилган талабалар илмий-анжуманларида «Тўплам ва тўпламлар устида амаллар мавзусини компьютер ёрдамида ўқитиш» мавзусида Microsoft Office Power Point дастурида тақдимот тадбирини уюштирди. Унинг ушбу тезиси ва 6та илмий мақоласи Санкт-Петербург (Россия)да «Реакцияга киришувчи газларнинг сопло (қувур) ва оқимдаги ҳаракати» мавзусига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий конференция материаллари тўпламида, шунингдек, «Бухоро давлат университети илмий ахборотлари», «Информатика ва энергетика муаммолари» («Проблемы информатики и энергетики»), «Истеъдодли ёшлар – фан-технологиялар тараққиёти» каби тўплам ҳамда журналларда чоп этилган. 2004 йили у физика, математика фанлари номзоди, доцент С.Хожиев раҳбарлигида ички ва ташқи оқимларга мос келадиган дифференциал тенгламалар системасини сонли ечиш, унинг экологияга таъсирини ўрганиш ва математикани компьютер ёрдамида ўқитиш бўйича ўзига хос кичик илмий тадқиқотлар олиб борди.

— Математика фанини лабиринтга ўхшатаман. Бориш йўлини ўйлаб топсангиз ўз манзилингизга етиб оласиз, — дея сўзини исботлашга киришади қаҳрамонимиз. — Ҳозирги кунда ҳар бир фаннинг олдига қўйилган асосий мақсадларидан бири унинг ёрдамида ечилган масаланинг амалий татбиғини кўрсатишдир. Дунёда ўрганилаётган ҳар қандай ҳодиса борки, уни фан жиҳатдан тадқиқ қиламиз. Бунда албатта, математика фани алоҳида ўрин тутади. Чунки қаралаётган ва ҳодиса ёки жараённинг юз бериши учун керак бўладиган асосий маълумотлар, албатта, математик ҳисоблашлар ёрдамида амалга ошириладн. Ана шундай масалалардан бири ҳозирда катта қизиқиш билан ўрганилаётган математик генетика, математик биология масалаларидир. Буни умумий маънода математиканинг биология ва генетика масалаларига татбиғи десак бўлади. Уларни ўрганишдан асосий мақсадим (масалан, генетика, селекционерлик ва бошқалар) икки ёки ундан ортиқ биологик турни, унинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, у ўзида қандай хусусиятларни (кучли (доминант) ва кучсиз белгилар) сақлаб қолади, бундай турнинг олдингиларига нисбатан афзаллиги қандайлигини билиш. Худди шунга ўхшаб, бу эволюцион алгебраларнинг янги типи ҳисобланади, кўпайтириш махсус типда аниқланади. Улар генетиканинг эволюцион қонунларига асосланади. Шундай қилиб, генетикада кўпайиш алгебрадаги кўпайтма орқали аниқланади.



Шерзод отасидан кўп нарсани ўрганган. Айниқса, отасининг ёшлигидан ҳозирга қадар ҳар бир саволларига эринмасдан жавоб беришию тенгламаларни ҳижжалаб тушунтиргани учун Шерзод бугун математика фанига қизиқади. Ҳар қандай мураккаб формулаларни еча олади.

— Шерзод Муродов барча фанлардан аъло ўзлаштириш билан бирга факультет ва университет жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келмоқда. У талабалар орасида нафақат юқори билим даражаси, балки камтарлиги, меҳнатсеварлиги ва одоби билан ҳам ажралиб туради, — дейди Механика-математика факультети декани, физика-математика фанлар номзоди Б.Шоймкулов.

Ҳар кунидан унумли фойдаланиб, вақтини илм йўлига сарфлаётган иқтидорли талабанинг изланишлари бесамар кетмайди. Шерзод Муродов 2009—2010 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси соҳиби бўлди.

Илм йўлида меҳнат қилган киши кам бўлмас экан. Унинг бизга айтган хулосаси шу бўлди.

**Хулкар ФАРМОН қизи,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# «НИҲОЛ»ЛАР САҲНАДА

**Юртимизда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, янги истеъдод соҳибларини юзага чиқариш ҳамда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш йўлида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Айнан мана шу ишларнинг мантиқий давоми сифатида, Тошкент шаҳар Учтепа тумани халқ таълими бўлими томонидан мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган «Тошкент ниҳоллари» болалар ижодиёти фестиваль-танлови ҳам ўзига хос ўринга эга.**



Фестивалда ўқувчилар ўз қўллари билан яратган халқ амалий санъати намуналари, замонавий ҳамда миллий йўналишдаги куй ва рақслар билан иштирок этишди.

Тадбирни ташкил этишда Учтепа туман халқ таълими бўлими, туман ёшлар маркази ҳамда Ўқувчилар ижодиёт марказининг ҳиссаси катта бўлди. Дуторчилар, доирачилар, хор ва фольклор жамоалари томонидан ижро этилган ўзбек халқ лапарлари, «Мустаҳзод», «Чаманда гул» қўшиқлари томошабинларда жуда катта таассурот қолдирганн шубҳасиз. Тумандаги 14-мактаб ўқувчилари томонидан ижро этилган «Муножот» рақси ҳам йиғилганлар томонидан илиқ кутиб олинди.



— Бу каби тадбирлар ўқувчиларни ўзидаги бор қобилият ва иқтидорни эзгу мақсадлар учун сарфлаш, санъат ва маданият каби тушунчаларга юракдан, муҳаббат билан ёндашиш, инсонларга гўзаллик ва қувонч улашишга ўргатади. Фестивалда иштирок этар экан, болажонлар ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, нимага қодир эканлигини кўрсата олиш имкониятига эга бўлди. Шу билан бирга, улардаги миллий қадрият ва анъаналаримиз ҳақидаги тасаввурлар кўлами янада кенгроқ қулоч ёзди, — дейди туман ёшлар маркази раҳбари З.Аъзамова.

**В.ҚАРШИБОЕВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

*Tadbir*

**Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими Ўқувчилар ижодиёти маркази томонидан «Камалак — 2010: миллий анъаналар ва замонавийлик» деб номланган тасвирий ва халқ амалий санъати фестивали ташкиллаштирилган Ўзбекистон давлат консерваторияси залига кириб келганимда тадбир ташкилотчилари, иштирокчилар ва меҳмонлар йиғилиб бўлишган эди. Зал бўйлаб жойлаштирилган тасвирий санъат, графика, кулолчилик, Шарқ миниатюраси, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, қуроқ, бисер тўқиш, гиламдўзлик ва бошқа йўналишдаги ижод намуналарини томоша қилиб, ўзбек халқининг урф-одатлари, анъана ва қадриятларида олам-олам маъно мужассамлиги ҳамда уларнинг ёш авлод қалбида жо эканлигидан кўксим ғурурга тўлди.**

# КАМАЛАКДЕК СЕРЖИЛО КЕЛАЖАК

— Ушбу фестиваль-танловни ўтказишдан мақсад, — дейди Мирзо Улуғбек тумани Ўқувчилар ижодиёти маркази амалий ва тасвирий санъат бўлими бошлиғи Саодат Имомова, — таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш, халқ амалий ва тасвирий санъатига эътиборни кучайтириш, ушбу йўналишдаги тўгарак раҳбарларининг ўзаро тажриба алмашишларига имконият яратишдир.

Кўргазмани томоша қилиш чоғида тўқ олтаранг бахмалга зар билан тикиб ишланган Ўзбекистон харитаси бўйлаб учаётган Ҳумо қуши тасвири эътиборимни тортди. Ундаги ҳар бир шаклдан маъно излай бошладим. Ватанимизнинг бугуни ва келажагига ишончнинг гўзал намунаси...

"Уни заминдўз усулида тикканман", деганича жилмайган қизалоқ фикримни бўлди. У ўзини 222-мактаб ўқувчиси Моҳичеҳра Муродуллаева деб таништирди. Қизалоқ билан суҳбатлашиб, унинг тумандаги бадиий ижодиёт марказининг зардўзлик тўгарагига 3 йилдан буён қатнаётганини, устози Насиба Ҳасанова кўмагида тинимсиз ўз устида ишлаётганини билиб олдим. Моҳичеҳранинг ойдин чеҳрасидан бугунги эътибордан, ҳукуматимиз томонидан ёшлар баркамоллиги учун яратиб берилаётган шарт-шароитлардан жойлашганини ҳис этиш мумкин эди.

Кўргазмадан қайтарканман, автобус ойнасидан ташқи оламга боққанимча хаёлга толдим. Беихтиёр камалак ёдимга тушди. Менингча, бизникидай тинч, осуда ва фаровон юртдагина камалакнинг ранго-ранг жилоси осмонни тутиб, ҳақиқий мўъжизакорлик касб этса керак...

**Дилшод КАРИМОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

*Bashariyat yulduzlari*

# ИНСОН ҚАЛБИ ТАДҚИҚОТЧИСИ



**Германиянинг Неккар дарёси соҳилида жойлашган мўъжаз Марбахда ҳарбий жарроҳ хонадонида 1759 йил ноябрида таваллуд топган Фридрих Шиллер юрти ва адабиётини етти иқлимга танитган истеъдод соҳибидир.**

**Йигитликнинг илк асари “Қароқчилар”ни (бу драмани ёзганда Ф.Шиллер 18-19 ёшларда бўлган) томоша қилган ёшлар муаллифнинг чинакам мухлисларига айланганлар.**

**Шиллер ўша пайтлардаёқ шуҳрат сари дастлабки қадамини қўйган эди. 1782 йили Манҳайм театрида саҳна юзини кўрган “Қароқчилар”ни томоша қилган кишилар, ўша давр солномачиларининг ёзишича, таниш-нотаниш мухлислар ҳайратдан ёқа ушлаб, бир-бирларининг бағриларига отилганлар, аёллар томоша таассуротидан ҳушдан кетар даражага борганлар.**

Илк эътирофдан бошлаб олмонлар Шиллерга катта умид билан қарадилар, “мабодо олмон Шекспири ҳақида сўз юритиладиган бўлса, ҳеч иккиланмай, Шиллер номини айтиш лозим” деб ҳисоблаганлар ўшанда. Дарҳақиқат, Ф.Шиллер ижоди бежизга мактаб дарсликларидан ўрин олмаган. Ижодкорми ёки олмон адабиётининг мумтоз намояндаси сифатида, ўзгаларни ҳам ижодга илҳомлантирган буюк сўз санъаткоридир.

Шиллерни қандай таърифламадилар: Ҳелдерлин унга “Буюк ва даҳо шоир” дея таъриф берса, Вилҳелм фон Ҳумболдт “Мавжуд заковат соҳиблари ичида энг маҳсулдори”, деб ардоқлайди. Шиллернинг дўсти, ижодий ҳамкори ва айни замонда рақобатчиси бўлмиш И.В.Гёте уни “Чинакам, олижаноб, ажойиб инсон” деса, Томас Манн “санъат апофеози” сифатида кўкларга кўтаришга лойиқ истеъдод соҳиби, деб эътироф этади.

Шиллер ўзини “князлар ҳокимлигидан озод дунё фуқароси” деб ҳисобларди. Вафотининг 250 йиллиги муносабати билан Олмонияда чоп этилаётган ишларда 46 йиллик қисқа умри дарду ғамлар исканжасида ўтган заҳматкаш инсон – Шиллер сиймосини яратишга бўлган интилишларни, қаҳрамонни шоҳсупада эмас, инсонга яқинлаштиришга бўлган мойилликни пайқаш қийин эмас.

Ёш Шиллернинг ижодий парвози замондошларининг қизиқиш, ҳавас ва ҳасадларини келтиргани ҳам бор ҳақиқат. Илгари чоп этилган кўпгина ишларда И.Гёте Шиллерни юзага чиқарган раҳнамо, деб ёзиларди. Давлат арбоби Гётенинг кўплаб шоиру санъткорлар, олиму фузалоларнинг бошини силаганини рад этмаган ҳолда, Шиллерни муносиб рақобатчи деб тан олганини ҳам эслаш ўринлидир. Шиллернинг “Қароқчилар”и ҳамманинг оғзига тушган бир пайтда бу И.В.Гётенинг ҳам эътиборини тортгани ҳақиқат. Шу воқеадан 10 йил аввал Гётенинг «Вертер»и китобхонлар қалбини жунбушга келтирган, шуҳрат лаззати ҳали тарқамай туриб унда унинг мухлислари Шиллерга маҳлиё бўлгандек тасаввур туғилган бўлса ажаб эмас.

Ўша даврнинг оғизга тушган муаллифларидан Кристоф Виланд ҳам “Неккар соҳилларидан чиққан “жайдари даҳо”ни ҳам шундан. Бу драма 1784 йили саҳналаштирилиб, муаллифга катта обрў келтирган.

Ҳарбий академияни тугаллаб, шифокор ихтисослигига эришган Ф.Шиллер энди ёзувчилик билан нони бутун бўлишига кўзи етди. У вақтлари профессионал ёзувчилик чиндан-да, янгилик бўлиб, ўз молиявий мустақиллигини таъминлаш деган маънони англатарди. Бундан буён Шиллер “монархларга эмас, инсон қалбига мурожаат этишга” қарор қилади. Унинг мустақиллиги фақатгина томошабинга боғлиқ бўлиши лозим эди. “Халқ (публика) мен учун энди ҳамма нарсадир”, — деб ёзганди Шиллер.

У саҳнада ёрқин ифодалашга муваффақ бўлган севги сеҳри-чи! Ахир, бу назокатли шеърлар учун муҳим мавзу эмасми?

Гётедан анча ёш бўлган, 20 ёшида ҳарбий шифокор сифатида армия ҳаётининг аччиқ-чучугини татиган Шиллер, ўзининг адабиётга ғалати аралашуви”ни ҳеч ҳазм қилолмаган эди. XVIII аср муҳитида Шиллернинг театр соҳасидаги омадини фақат ижодкорлар эмас, ҳаттоки бошқалар ҳам очиқ чеҳра билан кутиб олмаганлар. Вюртемберг ҳукмдори Карл Евгений билан Шиллернинг тўқнашуви у ҳукмдор номи билан юритиладиган ҳарбий академияда ўқиётган кезлари юз берган. Шиллер “Қароқчилар”нинг Манҳайм театридаги премьерасига боришга ижозат ололмагани боис, пинҳона боришга мажбур бўлган. Шиллернинг кейинги асари — мешчанлик драмаси “Макр ва муҳаббат”да саройдаги иккиюзламачилик, таъмагирлик ва бошқа иллатлар рўй-рост тасвирланга-

қайта-қайта таъкидлаганидек, мусаффо севгининг нашъу намосидан ўзини тия олмас, аёл зотига севимли бўлиб суюлишдан завқ туяр эди.

1787 йили унинг адабиётдаги пирлари — Гёте, Ҳердер, Виланд яшайдиган ва Шиллерга кўнгил қўйган, унинг ишқи билан яшовчи Шарлотта фон Калб хоним истиқомат қилувчи Ваймар шаҳрига келади.

Шиллернинг немис маънавияти марказларидан бири Ваймарга келишига кўмак берган Шарлотта хоним эди. Уларнинг никоҳ тўйлари икки қалбнинг уч йиллик учрашувлари натижаси ўлароқ бўлиб ўтган эди.

15 йиллик оилавий турмуш Шиллерлар хонадонига 4 фарзандни ато этди. Севги-ю, турмушдан масрурлик рағбати Шиллерни самарали ва баракали ижодга даъват қилди.

Бу даврга келиб Шиллер Йена университети профессори, оила бошлиғи ва йирик адиб сифатида эътироф этилгандан кейингина икки юлдуз — Гёте ва Шиллернинг йўллари XVIII асрнинг 90-йилларида кесишди. Улар ўзаро учрашдилар. Дўстлик икки даҳони янги ижодга, янги кашфиётларга чорлади. Икки ижодкорнинг ўзаро ёзишмалари (1000га яқин номалар), Гётенинг раҳнамолиги ва қўллабқувватлови натижасида яратилган йирик асарлар “Валленштайн”, “Мария Стюарт”, “Орлеан қизи”, “Вилҳелм Телл” санъаткорга жаҳоний шуҳрат келтирган.

Фридрих Шиллер ўзбек ўқувчи ва томошабинларига “Макр ва муҳаббат” драмаси 1921 йили (“Тилак” труппаси), “Қароқчилар” трагедияси (“Намуна” труппаси) томонидан илк бора таништирилган. Ўша пайтда ҳар икки асарни ўзбек тилига шоир Хуршид – Шамсиддин Шарафиддинов ўгирган. Ҳар икки драма умумбашарий тақдирлар қисматини ёритгани боис, ўзбек томошабини ва кенг адабий жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинган.

Ф.Шиллер асарларининг ўзбекча таржималарини ўрганган У.Нурматовнинг маълумотига кўра, “Макр ва муҳаббат”нинг илк таржимаси сақланмаган. “Қароқчилар”нинг ўзбекча қўлёзмаси ЎзРФА Шарқшунослик институтининг Хуршид архивида сақланмоқда.

Илк таржималар савияси қандай бўлишидан қатъи назар, Фридрих Шиллер асарларининг кейинги, нисбатан мукаммал таржималарини яратишда муҳим хизмат қилганлиги шубҳасиздир.

Ўзбек театри усталарининг турли авлодлари Ф.Шиллер драмаларига қайта-қайта мурожаат қилиб, томошабинларни хушнуд этганлари каби, шоир, драматург ва таржимонлар немис муаллифи асарларига ўзига хос маҳорат мактаби деб қараганлар.

Ўзбекистонда Шиллер ижодини ўрганиш, трагедиялари таҳлили, асарларининг ўзбекча таржималарини тадқиқ қилиш, немис адабиётининг Ўзбекистонда идрок этилишининг ўзига хос тарихи бор.

Р.Абдуллаева, У.Нурматов ва бошқалар Шиллер ижодини ўрганишга монографиялар, ўнлаб мақолалар бағишлаганлар. Фридрих Шиллер ўзининг қисқа, аммо мазмунли ва сермаҳсул умри давомида инсоннинг эстетик тарбиясини ўзининг бош вазифаси деб билган. Шу боис шоир, драматург, файласуф Шиллернинг ижодий-илмий мероси замон ва маконлар оша халқлар ва миллатларни маънавий бойитишдек савобли ишда фаоллик кўрсатаверади.

**Шавкат КАРИМОВ,**
**филология фанлари номзоди**

# ХИТОЙДА ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

*Dunyo bizni yangidan tanimoqda*

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси аҳоли ва хорижлик меҳмонларни ўзбек маданияти билан таништиришда давом этмоқда. Шу мақсадда Хитойнинг Ланжоу шаҳрида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Ланжоу университети, унинг қошидаги «Хорижлик талабалар уюшмаси» ҳамда маҳаллий бошқарув органлари кўмагида ўтказилган тадбирда Ватанимиз тарихи ва бугуни, дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, ўзбек халқи удумлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Ўзбек маданияти кунлари университетнинг Халқаро сиёсат факультетида таҳсил олаётган юртдошимиз Муҳиддин Алимбоевнинг кўргазмаси билан бошланди. «Ўзбекистон ва Хитой: дўстлик жилвалари» номли бу кўргазмада жами 30 фотолавҳа намойиш этилди. Уларда Самарқанд ва Тошкент, Ланжоу ҳамда Пекин шаҳарлари манзаралари акс этган.

Иккинчи куни «Ландиссон Плаза» меҳмонхонасида маданият кечаси ҳамда талабалар ташаббуси билан тайёрланган «Маданиятлар гулдастаси» концерт дастури ташкиллаштирилди. Ланжоу университетида дарс бераётган чет эллик ўқитувчилар, жумладан, Россия Федерациясидан келган профессор Александр Ефеменконинг айтишича, бу каби маданият кунлари Ланжоу шаҳрида илк бора айнан талабалар томонидан уюштирилган.

— 6 йил давомида бу ерда дарс бераётган бўлсам, рости, ўзбек талабаларидек ташаббускор, меҳнатсевар, доим турли таклифларни илгари сурадиган ёшларни кўрмаганман, — деди у.

Шу билан бирга, 2 йил олдин Ланжоу университетида ўқиган Фароғат Жабборованинг журналист Маҳмуд Саъдий муҳаррирлигида эълон этган «Ланжоуда ўтган кунларим» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур рисола Ланда (Ланжоу университети) кутубхонасига ўзбек тилидаги илк китоб сифатида топширилди. Шундан сўнг барча «Ўзбекистон — Шарқ гавҳари» кўргазмасига таклиф этилди. Унда мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари ва тарихий обидалари, урф-одатлари, ўзига хос ўзбек маданияти ҳамда турмуш тарзини акс эттирган фотосуратлар намойиш этилди.

Сўнгги куни эса Ланжоу университети Юзхонг шаҳарчаси кутубхонаси кинозалида таниқли режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг 1991 йили яратилган «Абдуллажон» кинокомедияси намойиш этилди. Фильмни томоша қилгани ўзбек тилини билмайдиган хитойликларнинг келиши, айниқса, эътиборли бўлди.

Таъкидлаш зарурки, ташриф буюрган маҳаллий аҳоли ҳамда хорижлик меҳмонларнинг аксарият қисми учун чинакам ўзбек маданияти ва анъаналари илк бора кашф этилди. Бунга уч кун давомида намойиш этилган фотокўргазма, видео-лавҳа, концерт дастури ва кинофильмлар кўмак берди. Ланжоу университети вице-президенти Жинг Таонинг айтишича, ҳозирда мазкур олий ўқув юртида таҳсил олаётган 96 нафар ўзбек талабалари томонидан тадбирнинг тайёрланиши уларнинг ўз Ватанига бўлган юксак муҳаббатини кўрсатди. Ўқув ишлари бўйича проректор Ли Ҳенгбин эса мазкур маданий тадбирлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига ишора эканини таъкидлади.

**Мадина ТОҒАЕВА,**
**Ланжоу университети талабаси**

*Xususan, har yuz million yilda bir necha marta sodir bo'ladigan ulkan vulqon hodisalarining asoratlari million yillar davomida sezilib turishi aniqlangan.*

# ВУЛҚОНЛАР:

## ҳали очилмаган жиҳатлар талайгина



Бугун оммавий ахборот воситаларида энг кўп тилга олинаётган мавзу, табиийки, «Исландияда вулқон отилиши» билан боғлиқ юзага келган муаммолардир. Ёзилиши ва талаффуз қилиниши анча қийин ҳудуд Эйяфьятлайокудль музлигида фаоллашган табиий ҳодиса Европа қитъасини мураккаб аҳволга солиб қўйди.

Аввалига совуқ чўққида шу йилнинг 20 март куни уйғонган вулқон мутахассислар томонидан унчалик хавфли эмас, деб топилгач, сайёҳлар «томошагоҳ»ига айлангани ҳам рост. Аммо 14 апрель куни у ердан атмосферага катта миқдорда кулнинг отилиб чиқиши европаликлар кўнглига хавотир солди. Турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида, фавқулодда вазият эълон қилинган ҳудудлан барча хавфсиз жойларга кўчирилди. «Новости» манбаси хабарларига қараганда, Исландия пойтахти Рейкьявик шаҳридан 200 км. узоқликда жойлашган Эйяфьятлайокудлда охирги марта 1821 ва 1823 йилларда шунга ўхшаш манзара кузатилган, ўшанда ҳавога катта миқдорда таркибида фтор бўлган заҳарли модда ажралиб чиққанди. Навбатдаги уйғонишдан ҳосил бўлган кулли булутлар эса Скандинавиянинг барча давлатлари, Буюк Британия ва ҳаттоки Россиягача етиб келган.

— Мазкур вулқон тоғнинг қор ва муз билан қопланган қисмида ҳосил бўлиши натижасида кул билан сувнинг аралашмаси — шишасимон бирикмани юзага келтиряпти, — дейди мутахассислардан бири.

Бу ҳам камдек ҳозирда мамлакат ҳудудидаги Катла вулқони ҳам фаоллашиши мумкинлиги айтилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, атмосферада узоқ вақт сузиб юрувчи бу каби чанг «тўда»лари самолётлар парвози учун хавфлидир. Ҳаво транспорти воситасининг двигателига тушган кул заррачалари уни ишдан чиқаришдан ташқари ташқи кузатиш имкониятини пасайтиради, радиоалоқа ва борт электроникаси фаолиятига салбий таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам айни пайтда кўплаб мамлакатлар аэропортларида олтмиш уч мингдан ортиқ рейс бекор қилинди ёки кечиктирилди. Натижада, миллионлаб сайёҳ ва ишбилармон доира вакиллари ўз вақтида манзилга етиб бора олмади. «Новости» берган маълумотларга қараганда, авиакомпаниялар ушбу воқеа туфайли миллиардлаб доллар зарар кўриши мумкин. Бундан ташқари, «Федекс» ва «Ю-пи-эс» каби юк етказиб берувчи ташкилотлар ҳам жиддий молиявий зарар кўрди. Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси мутасаддиларининг айтишича, шу туфайли авиаташкилотлар умумий ҳажмда бир кунда 200 млн. доллар йўқотган. Ўзи шундоқ ҳам молиявий-иқтисодий инқироздан азият чекаётган «Air

**Sharh**

France» ва «Luftantha» каби авиакомпаниялар бундай тўсиққа дуч келишни кутмаган эди. Айни пайтда улар авиақатновларни тўлиқ йўлга қўйиш учун кичик масофаларга фақат учувчилар иштирокидаги синов парвозларини ўтказишди. Жумладан, «А320» аэробуси Париж шаҳридан Тулузага муваффақиятли учиб бориб қўнган. Шунга қарамай, вулқоншунослар хавф ҳамон мавжудлигини айтишяпти.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кўпчиликнинг бахтига, бу воқеа ҳозирча жиддий талафотларни келтириб чиқармади. Боиси, айнан шу давлатда 1783 йили январь-июнь ойларида фаоллашган Лаки вулқони эса 20 минг киши (ўша пайтдаги Исландия аҳолисининг учдан бир қисми)ни ҳаётдан олиб кетган-ди, дейилади wikipedia манбасида.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, бир марта кучли отилган вулқон узоқ йиллар давомида атроф-муҳитдаги салбий ўзгаришларга ўз «ҳисса»ни қўшар экан. Хусусан, ҳар юз миллион йилда бир неча марта содир бўладиган улкан вулқон ҳодисаларининг асоратлари миллион йиллар давомида сезилиб туриши аниқланган. Бундан ташқари, у углероднинг геокимёвий айланма ҳаракатида муҳим роль ўйнайди. Яъни, вулқон отилиши натижасида атмосферага катта миқдорда углерод диоксиди ва таркибида бошқа заҳарли моддалар мавжуд бирикмалар ажралиб чиқади.

Шу ўринда табиий ва антропоген (инсон) омилларнинг иқлимга таъсири ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бунда таъсир даражаси атмосферанинг радиацион исиши катталиги — Вт/кв.м. билан ўлчанади. Кузатишлардан маълум бўлдики, иқлим ўзгаришларини келтириб чиқарадиган омиллар орасида вулқонлар узоқ йиллар давомида сезиларли роль ўйнаб келяпти. Биргина 1991 йилдаги Филиппинда рўй берган Пенатубо вулқонидан 35 км. баландликка чиқариб ташланган кулли булутлар маълум вақтгача қуёш радиациясини 2,5 Вт/кв.м.га камайтирган экан. Аммо ҳалигача ушбу табиий ҳодиса (офат) моҳияти, келиб чиқиш сабаблари тўлиқ ўрганилмаган. Энг замонавий техника ва технологиялар ҳам унинг аниқ ҳосил бўлиш ва ривожланиш «механизми»ни мукаммал тадқиқ этиш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳам бу борадаги изланишлар ҳали узоқ давом этади.

**Н.ҚОСИМОВ тайёрлади.**

## СПИДГА ҚАРШИ ЯНГИ ДАВО




Голланд олимлари СПИД касаллигини даволашга янгича ёндашди, деб маълум қилади «Физорг» манбаси. Аниқроғи, улар навбатдаги тадқиқот пайтида генетик модификация қилинган тармоқли қон ҳужайраларидан фойдаланишган.

Амстердам университети тадқиқотчилари бу борада эришган муваффақияти келгусида тиббиётда ижобий ўзгариш яратиши мумкин. Уларнинг айтишича, ҳозирда касалликни энг самарали даволаш йўли вирусга қарши доридармонларни доимий равишда қабул қилиш ҳисобланади. Илмий тилда бу юқори даражали антиретровирус терапияси дейилади. Бироқ мазкур дори воситалари вирусни нобуд қилмайди, фақатгина унинг кўпайишига йўл қўймайди, холос. Шу боис дориларни қабул қилиш тўхтатилса, касаллик авж олиши мумкин. Шунга қарамай, кўпинча беморлар у ёки бу сабаб билан дорини қабул қилишни тўхтатиб қўяди. Шунингдек, вақт ўтгани сари вирусга қарши дорилар таъсири камайиб ҳам бориши эҳтимолдан холи эмас. Айнан шу ҳолатлар олимлардан даволашнинг янги йўлларини топишни тақозо этди.



Янги методга кўра, шифокорнинг бир марталик муолажасидан сўнг узоқ муддатли терапевтик самара кузатилади. Бошқача қилиб айтганда, иммунитет ҳужайралари ДНКсига вирусга қарши генлар киритилади, натижада уларнинг ўзлари мустақил ҳолатда касалликка қарши курашади.

Жараёнда қон тармоқли ҳужайраларга касаллик генлари юқтирилиб, сўнг улар бемор организмига киритилади. Ушбу генетик модификация қилинган ҳужайралар ёрдамида қон таркибий қисмларидан бири бўлган лимфоцитлар кўпайиб бораверади. Уларга СПИД вируси таъсир кўрсатадиган бўлса, зарралар касаллик ташувчини бартараф этади.

Тадқиқотчилардан бири, профессор Бен Беркхаутнинг айтишича, дастлабки тажрибалар ижобий натижаларни берган. Ҳозир эса уларнинг самараси лаборатория шароитида ҳайвонларда текширилмоқда. Агар бунда ҳам натижалар кутилганидек бўлса, даволашнинг янги усули уч йилдан кам бўлмаган муддатда амалиётга жорий этилиши режалаштириляпти.

## ЎҒИРЛАНГАНМИ ЁКИ ЙЎҚОТИЛГАН?

Австрияда бундан бир муддат аввал ўғирланган дея тахмин қилинган нархи 400 минг долларга тенг скрипка топилди. АП берган маълумотларга кўра, 1697 йили италиялик уста Рогери томонидан ишланган чолғу асбоби ҳозирда Мариинский театрида фаолият юритадиган скрипкачи аёлга тегишлидир. Аниқланишича, аслида у ўғирланмаган ва шу пайтгача меҳмонхоналарнинг биридаги топилмалар идорасида сақланаётган экан.



Гап шундаки, меҳмонхонада бир неча кун яшаган скрипка эгаси унга ҳамроҳлик қилаётган шеригидан мусиқа асбобига кўз-қулоқ бўлиб туришни сўраб, ўзи харидга кетган. Унинг ҳамроҳи ҳам бироз бепарволик қилиб ўз иши билан банд бўлиб қолган. Аниқланишича, созанда чолғу асбобини ўзи яшаётган меҳмонхона эшиги олдида қолдириб кетган. Бинода ишлайдиган фаррошларнинг бири эса тозалов ишлари пайтида буюмни кўриб қолиб, уни топилмалар идорасига олиб бориб берган.

## ИПАКЛИ ЭЛЕКТРОДЛАР ЯРАТИЛДИ?!

Хитой ва океан орти олимлари ҳамкорлигида миядаги фаоллашув жараёнини аниқлаш имконини берадиган ипак толалари асосидаги ўта ингичка электродлар ишлаб чиқилди.

— Янги ишланма мия толаларига зарар етказмаган ҳолатда текширувлар олиб боришга ёрдам беради, — деди Инсульт ва неврологик касалликлар институти (АҚШ) илмий ходими Уолтер Корошетс. — Келгусида бундай электродлар тутқаноқ, орқа мия шикастланиши ва шу турдаги қатор хасталикларни даволашда қўл келади.



Айни кунда мия фаоллигини қайд қилиш учун мушак толалари ичига киритиш мумкин бўлган игна шаклидаги оддий, ўта кичик ҳажмдаги электродлардан ёки нисбатан мураккаб кўпэлектродли тизимдан фойдаланилган. Таклиф этилаётган янги ишланма эса аввалгиларига қараганда хавфсиз ва ишончлироқ экан. Қолаверса, унинг ёрдамида катта-катта ҳужайралар гуруҳи фаолиятини ҳам кузатиш мумкин.

Илмий тадқиқот пайтида мушукларда тажриба ўтказилди. Бунда жонзотларга турли тасвирлар кўрсатилиб, айни пайтда уларнинг бош мия қобиғидаги фаоллик даражаси кузатилган. Ипакли электродлар тизими жараёнда кутилганидан ҳам яхши натижа бергани тадқиқотчиларни қувонтирди, чунки тажрибалардан сўнг 4 ҳафта давомида организмда аввалгидан фарқли ҳеч қандай яллиғланиш ҳолатлари кузатилмаган. Келгусида олимлар электродларнинг жойлашувини бироз зичлаш ниятида. Сабаби бу мия фаоллигини янада аниқроқ ўлчашга имкон туғдириши мумкин.

## ОЙ СУРАТЛАРИ ОММА ЭЪТИБОРИДА

Эндиликда кенг жамоатчилик ҳам НАСА билан бирга илмий тадқиқотлар жараёнини кузатиб бориш имконига эга бўлади, деб хабар берди sciencedaily.com. Сабаби, навбатдаги лойиҳа доирасида агентлик қатор самовий тадқиқотлар борасидаги маълумотларни эълон қилиб боришни режалаштирган. Даставвал сайёрамиз табиий йўлдошининг энг янги суратларини намойиш этиш фикри илгари сурилди.



— «Планетари Дата Систем» деб номланган ушбу дастур аввалги ва ҳозирги самовий саёҳатлар, астрономик кузатув ва лаборатория тадқиқотлари ахборотларини жамлашга қаратилган, — деди Мэриленд штатидаги Самовий парвозлар маркази вакили Жон Келлер. — Бундан мақсад НАСА томонидан олинган маълумотлар билан оммани мунтазам равишда таништириб боришдир.

Дастур бошланганининг расмий тасдиғи сифатида самовий кемадаги камера ёрдамида тасвирга олинган бир неча юз сурат агентлик сайти орқали тақдим этилди. Келгусида, шунингдек, орбитадаги аппарат ёрдамида олинган маълумотлар, жумладан, тасвирларни онлайн тизимида ҳам узатиш мақсад қилинмоқда.

**Н.РУСТАМБЕКОВА, Д.ТОШОВА тайёрлади.**

# ОЧИҚ МАЪРУЗА

## у таълим сифатига ижобий таъсир этади

**Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичида «Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш» каби вазифалар белгиланган эди. Ана шунга кўра, таълим жараёнида профессор-ўқитувчилар олдига муҳим вазифалар қўйилгани аниқ. Бу борада олий таълим муассасаларида фақат кафедралараро эмас, балки профессор-ўқитувчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашинувлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.**

Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида яхши анъана йўлга қўйилди. Тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан очиқ маърузалар ташкил этилиб, унга соҳага қизиқувчилар таклиф қилинмоқда. Ана шундай тадбирнинг навбатдагиси филология фанлари доктори Бахтиёр Менглиев томонидан «Сифат» мавзусига бағишлаб ташкил этилди. Очиқ маъруза дарсида экспертлар, ЎзРФА тил ва адабиёт институти, ЎзМУ, ТДПУдан тилшунос олимлар, профессор, доцент, ўқитувчи, аспирант ва талабалар иштирок этди.

*Tajriba*

Сифат грамматик категория, йирик сўз туркумларидан биридир. Мустақилликкача бўлган даврда она тилимиз грамматикаси рус тили қолиплари асосида ўрганилгани боис, сифат сўз туркумига кирувчи бирликлар таърифи, таснифи, ифодаланиши ҳам бир хил қолипга солинган эди. Биламизки, миллий тил ва миллий руҳ муносабатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қайси тил ўз системасига эга ва тилни тадқиқ этишда бунинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган она тили таълимининг янги давлат таълим стандарти ва ўқув дастури миллий ўзига хослик руҳи асосида яратилган.

Миллий тил миллий истиқлол мафкурасини шакллантирувчи асосий омиллардан бири. Она тилининг миллий мафкурани шакллантиришдаги аҳамияти ва ўрни ҳақида муҳтарам Президентимиз алоҳида тўхталганлар: «Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар».

Она тилимизнинг жозибасини тилшунос олимлар, амалиётчиларимиз ўз фаолиятларида кўрсатиб келмоқда. Хусусан, профессор Б.Менглиевнинг очиқ маърузаси ҳам бу ҳаракатнинг бир намунасидир.

Сифатнинг ўрганилиши билан талабаларни таништираётган маърузачи дарс жараёнида 13та слайд материалларидан мавзуни ёритишда асос сифатида фойдаланди. Бу мавзу мутлақо янги усулда — мустақиллик даври тилшунослиги — субстанциал ўзбек тилшунослиги асосида олиб борилганлиги кузатувчи олиму амалиётчи ҳамда талабаларда катта таассурот қолдирди. Назаримизда, мана шу она тили дарсида фалсафа, кимё, биология, физика, риёзиёт каби фанлар оламига ҳам саёҳат қилдик. Буюк мутафаккирлар, таниқли олимларнинг кашфиёту назарияларидан мавзуга боғлиқ ҳолда фойдаланилди. Тилшунос сўз туркумининг моҳиятидан келиб чиқиб, унинг ўзига хос хусусиятларини очиб берди. Дарс жараёнида ўқитувчи аудиториянинг диққатини мусиқа асбобининг торларини моҳирлик билан чертаётган муғаннийдек ўзига жалб этди.

Сифатнинг умумий грамматик маънолари, сифатларда даражаланиш, сифатда кўчим (транспозиция, лексикализация, конверсия), сифатда деривация, сифат ясаш қолиплари каби қатор масалалар ўзбек миллий тилшунослигида ўз аксини топганлиги маърузачи томонидан таъкидлаб ўтилди.

Мавзуни тушунарли ва тез етказиб бериш мақсадида маърузачи ўзбек тилшунослигида кенг ўрганилган градуонимия ҳодисаси орқали сифат туркумига оид сўзлар ҳақида кенг ва чуқур маълумот берди. Дарс давомида замонавий педтехнология усулларидан ақлий ҳужум, кластер кабилардан ўз жойида фойдаланилди.

Профессор-ўқитувчиларнинг тажриба алмашиши, олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши бугунги кун педагогикаси учун катта самара беради. Иштирокчилар бу каби очиқ маърузаларни тез-тез ташкил этиб туриш, дарснинг электрон версияларини бошқа олий ўқув юртларига ҳам тарқатиш таълим сифатига ижобий таъсир этишини таъкидладилар.

**У.ДОЛИМОВ,**
**Педагогика фанлари доктори, профессор,**
**Р.САЙФУЛЛАЕВА,**
**Филология фанлари доктори, профессор**

# ЎҚУВЧИ БИЛИМИНИ АНИҚЛАШ УСУЛИ

**Таълим тизимининг энг муҳим вазифаси ўқувчиларга сифатли ва мукаммал билим беришдир. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган педагогик, илмий ва услубий жараёнларнинг барчаси ана шу мақсадга қаратилган.**

Маълумки, барча услубларда ҳам ўқувчилар билим даражасини аниқлашнинг энг оммавий усули сифатида тест топшириқларидан фойдаланилади. Кейинги йилларда таълим тизимида очиқ тестлар билан бир қаторда ёпиқ тестлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Фан олимпиадаларида ёпиқ тестларнинг ўрин эгаллаши, барча фан ўқитувчиларининг ёпиқ тестлар билан ишлашга ва дарс жараёнларида ундан кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишига сабаб бўлмоқда.

Мен ҳам ўз иш тажрибамдан келиб чиққан ҳолда ёпиқ тестлар билан ишлашнинг афзалликлари ҳақида баъзи фикрларни билдирмоқчиман.

Маълумки, тарих дарсликларининг сўнгги нашрларида ҳар бир мавзуга оид ёпиқ тестлар берилган. Бу эса дарслик муаллифларининг ёпиқ тестларга алоҳида эътибор бераётганлигининг далилидир.

Ўтган ўқув йилида фан олимпиадаларининг вилоят ва туман босқичларида ўқувчиларимни қийнаган муаммолардан бири ёпиқ тестлар бўлди.

Мазкур ҳол ўқувчилар билан ёпиқ тестларни кўпроқ ишлашга ундади. Натижада тез орада ўқувчиларда ёпиқ тестлар билан ишлаш кўникмалари пайдо бўлди, ўтказилаётган назорат ишларида фан олимпиадаларининг мактаб ва туман босқичларида ўқувчиларнинг ёпиқ тестлар билан ишлаш кўникмалари ошганлиги кўзга ташланди. Айниқса, IV синфларда ҳуқуқшунослик дарсларида, VI синфларда тарих дарсларида ўқувчилар ёпиқ тестлар билан ишлашда очиқ тестларга нисбатан яхшироқ натижаларга эришаяптилар. Ўқувчиларнинг шошма-шошарлик билан нисбатан ўхшаш жавобларни белгилаш ҳоллари камайди.

Ёпиқ тестлар билан ишлаш жараёнида унинг очиқ тестларга қараганда бир қатор афзалликлари борлиги кўзга ташланди. Масалан, очиқ тестларда ўқувчилар ўхшаш вариантлардан бирини танлаш, бунда қандайдир даражада таваккалчиликка қўл уришга мажбур бўлса, ёпиқ тестларда ўқувчи аниқ ва мукаммал жавоб устида фикр юритади. Ёпиқ тестларнинг ўқитувчилар учун ҳам бир қатор қулай жиҳатлари бор. Масалан, бундай тестлар билан мунтазам ишлаб бориш очиқ тестлар билан ишлашда ҳам самарадорлик ўсишига олиб келади. Ўқитувчилар ёпиқ тестларни тарқатма материаллар, карточкалар шаклида ҳам тайёрлаши мумкин.

Умуман айтганда, ёпиқ тестлар билан мунтазам ишлашни йўлга қўйиш ўқитувчидан кўп нарса талаб этмайди. Бунинг учун ўқитувчида озроқ қунт, ўз ишига ижодий ёндашув бўлса кифоя. Самара эса тезда ўзини намоён қилади. Хуллас, ёпиқ тестлардан фойдаланиш таълим тизимида ёшларга пухта билим беришда энг самарали воситалардан бирига ва ўқувчилар билимини аниқлашнинг энг қулай ва осон усулига айланишига шубҳа йўқ.

**Нормамат ЭШОНҚУЛОВ,**
**Олтинсой туманидаги 63-ихтисослаштирилган мактабнинг тарих фани ўқитувчиси**

*Fikr*

**Қизиқ ҳолат, қорни оч одам ўз-ўзидан, табиий ҳолда нонга қўл узатади. Ташна киши эса сувга интилади. Ҳар гал китоб ҳақида сўз кетганда ана шу ҳаётий ҳақиқат хаёлимга келади. Назаримда, китоб маънавий ташналикни қондирувчи энг муҳим, энг мукаммал, энг нодир мўъжиздир.**

# ТАФАККУРГА ҚАНОТ

Модомики, сўз китоб ва унинг тарбияга таъсири хусусида борар экан, бугунги китобхонлик борасида тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Тўғри, бу мавзуда кўп гапирилаяпти. Аммо менимча, айрим жиҳатлар эътибордан четда қолмоқда. Бугун ҳукумат қарори асосида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида, чекка қишлоқ туманларида ва таълим муассасаларида Ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Улар қимматли адабиётлар, компьютер техникалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди. Эътиборлиси, бу марказларда нафақат таълим муассасалари ўқувчилари, балки ўша ҳудудда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро истаган адабиёт билан танишиб, ўз билим доираси ва дунёқарашини кенгайтириши мумкин. Аммо яратиб берилган бу имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаётган юртдошларимизни кўп деб айта олмаймиз.

Шунингдек, қишлоқлардаги мавжуд дўконлар қошида кичик бўлимлар, китоб сотиладиган қўшимча пештахталар ташкил этилса, нур устига нур бўларди.

Ҳар хил байрамлар, тадбирлар муносабати билан совға излаган ўқувчи-ёшлар учун китобнинг ҳам бўлиши қандай яхши.

Шундай вазиятда кўнгилга бир нарса таскин беради — адабиётга, маънавиятга қаратилаётган эътибор натижаси ўлароқ, бу борада ҳам сезиларли ижобий ишлар олиб борилиб, ёшларни уйғоқ фикрли, юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялашда китобнинг ўрнига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Таълим тизимини ислоҳ қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида олиб борилаётган бу каби изчил сиёсат эса ёруғ келажакка ишонч туғдиради.

**Муқаддам ИЗЗАТУЛЛАЕВА,**
**Наманган шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси,**
**Халқ таълими аълочиси**

*Jarayon*

**Ёш авлоднинг юксак интеллектуал салоҳият, кенг дунёқараш соҳиби бўлиб камол топишида халқимизнинг миллий бойлиги ва маънавий меросига айланган халқ мақолларининг ўрни беқиёсдир.**

# ПОКИЗА ТУЙҒУЛАР МЕҲВАРИ

Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган бу қадриятларимизнинг ёшларнинг ҳаётий эътиқодига айланишида уларда илгари сурилган ғояларнинг нақадар ҳаётийлиги, фарзандлар тарбияси учун алоҳида эътиборга моликлигини унутмаслигимиз лозим.

Талаба-ёшларимиз билиши зарур бўлган мақоллардан бири: «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар» мақолидир. Унда илгари сурилган асл моҳият: билимсизлик — ожизлик, билимсизлик — қашшоқлик, билимсизлик — лоқайдлик, беپарволик, ва ниҳоят, билимсизлик жамиятда ўз ўрнини топа олмаслик каби салбий иллатларни келтириб чиқаради, деганидир. Бу ерда янги авлод Амир Темурнинг «Куч —адолатда» иборасини Президентимиз Ислом Каримов «Куч — билим ва тафаккурда», деб мантиқан ривожлантирганини моҳиятан англаб етади.

«Устоз отангдек улуғ» мақолида устоз ота даражасига тенглаштирилаяпти, ота-она фарзандни дунёга келтирса, тарбия бериб вояга етказса, устозлар эса фарзандларимизга ҳаётни янада чуқурроқ англаш йўлида билим нурларини беради, ўргатади. Дарҳақиқат, устоз-шогирд муносабатларининг ҳаётий воқелиги замонлар синовидан ўтган миллий қадриятларимиздан биридир. Шу мақсадда Тошкент давлат иқтисодиёт университети таълим тизимида энг устувор йўналишлардан бири айнан «Устоз-шогирд» муносабатларининг йўлга қўйилганлиги кишини қувонтиради. Бунинг яққол мисоли, 1-босқич талабалари учун «Тютор» — таълим-тарбия маслаҳатчиси, 2—3-босқичларда мураббийлик, 4-босқич ва магистрлар учун илмий-тадқиқот ишлари доирасида илмий раҳбарлик мактаблари шаклланганки, бу ўз навбатида, университет жамоаси яхши натижаларга эришиб, янада улкан муваффақиятларни қўлга киритишига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий Кенгашининг 2009 йил 27 апрель қарори билан «Корпоратив одоб-ахлоқ Кодекси» тасдиқланди. Кодекс талаба ва профессор ўқитувчилар жамоасининг биргаликдаги фаолиятда риоя этиладиган хулқ-атворнинг муайян моделлари ва ўзаро муносабатларининг ягона мезонларини белгилаб берган.

Мазкур Кодекснинг 4 ва 5-бўлимлари айнан биргаликдаги фаолиятда ўзаро муносабатлар, яъни ҳурмат ва ишонч, аҳил-иноқлик, самимийлик, маънавий муҳитни мустаҳкамлашга қаратилган тамойиллар бўлиб, "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар" мақолини мантиқий мазмунини ҳам англатади, десак хато бўлмайди.

Дарҳақиқат, халқимиз ҳаётида унинг абадий, ўчмас тарихи, мероси, бугунги кунгача миллатимиз дилида, тилида яшаб келаётган қадриятларнинг ўрни беқиёсдир.

**Абдуманнон ҲАЙИТОВ,**
**ТДИУ «Меҳнат иқтисодиёти ва аҳолишунослик» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди**

# КИЧИК СОВҒАНИНГ УЛКАН РАҒБАТИ

Яқинда Пахтаобод тумани халқ таълими бўлимига борганимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан келтирилган 65та стол тенниси, 130та ракетка ва 2650та теннис шарлари мактабларга тақсимланаётган экан. Пахтаободлик ёш теннисчилар бугун нафақат вилоятимиз, балки мамлакат ўсмирлар миллий терма жамоасининг асосини ташкил этади, десак муболаға бўлмайди. Уларнинг аксарияти эса тумандаги 13-умумтаълим мактабида ўқиган. Бу ерда мураббийлар Дилшодбек Холиқов, Худоёрбек Холиқов, Худоёрбек Тешабоев олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовор.

Республика миллий терма жамоаси аъзолари, халқаро турнирлар ғолиби, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари финал босқичи пешқадамлари Элмурод Холиқов, Гулнора Акбарова, Умиджон Зокиров, Қутбилло Тешабоевнинг ютуқлари мазкур мактабдан қатор истеъдодларнинг етишиб чиқишига омил бўляпти. Вилоят ўсмирлар терма жамоаси аъзолари — мактабнинг 6-синф ўқувчилари Назокат Абдурасулова, Ҳуснидабону Ҳожимирзаева, Издатбек Тешабоев ана шулар жумласидандир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мактаб ўқувчилари спортнинг белбоғли кураш тури бўйича ҳам вилоятимиздаги ўсмирлар ўртасида пешқадамдир. Ўсмирлар ўртасида вилоят чемпионлари Илёс Икромов, Зиёдулло Араббоев, Жавоҳир Қодиров, Жасур Назимов айнан мазкур мактабнинг 7, 8-синфларида таҳсил олади. Албатта, уларнинг парвозида устоз Умиджон Маматраҳимовнинг ҳиссаси беқиёс.

**Орифжон СИДДИҚОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА ТЎРТИНЧИ

**Спорт оламида юртдошларимизнинг эришаётган ютуқлари ёшларимиз қалбидаги ватанпарварлик, ишонч ва шижоат туйғуларини мустаҳкамламоқда. Яқинда юртдошларимизнинг реал-айкидо бўйича Португалияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ажойиб ғалабаларни қўлга киритиши билан боғлиқ воқеликлар спорт ихлосмандлари қалбини яна бир карра сурурга тўлдирди.**

— Мамлакатимизда бошқа спорт турлари қаторида реал-айкидонинг ривожланиш босқичлари, истиқболи хусусида етарлича маълумотга эгаман. Спортчи учун олқиш ва қўллаб-қувватлаш катта кучга эга эканини жуда яхши ҳис қиламан, — дейди айкидо бўйича ўтказилган чемпионатнинг кумуш медаль соҳиби Алибек Хидиров. — Мазкур спорт турига қизиқишимни дастлаб отам қўллаб-қувватлаган бўлса, устозларим кўмагида имкониятларимни кенгайтирдим. Ҳеч иккиланмай айтишим мумкинки, спорт устаси даражасига кўтарилишимда юртимизда биз ёшлар учун яратилган юксак шарт-шароитларнинг ўрни беқиёсдир.

— Бу спортчимиз Тошкент давлат техника университетининг 4-курсида таълим олиш билан бирга республикамизда ўтказилаётган турли спорт тадбирларида фаол қатнашиб келади, — дейди билим юртининг спорт мажмуаси раҳбари Жаҳонгир Тожиев.

Португалиядаги мусобақаларда Алибек сингари 16 нафар ёш спортчиларимиз муносиб натижаларни эгаллашга ҳаракат қилишди. Қирқдан ортиқ давлатнинг уч мингга яқин спортчилари қатнашган чемпионатда терма жамоамиз вакиллари 5та олтин, 5та кумуш ва 1та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни олди.

**Анвар ҚОБИЛОВ**

# «ЎЗИМИЗНИНГ ЧЕМПИОН»

## ва Олмачини юртимизга танитаётган ёшлар

**Шаҳло Кўчимова Жиззах туманидаги 20-мактабнинг 7-синфида ўқийди. Унинг ўқишда, айниқса, спорт соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари кишини қувонтиради. У бир неча йилдан буён мактабдаги таэквандо тўгарагига мунтазам қатнашиб келмоқда. Спортга астойдил ихлос қўйган Шаҳло турли мусобақаларда ўзининг имкониятларини синовдан ўтказиб, устозлар назарига тушди. Натижада, мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари катта ишонч ва умид билдириб, уни янада масъулиятлироқ мусобақаларга тайёрладилар.**

Кўп ўтмай Ш.Кўчимова ўзига билдирилган ишончни оқлади. 2009 йили таэквандо бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида олтин медални қўлга киритди.

— Мактабимизда яратилган шарт-шароит шундай ютуқларга эришишимга имкон яратди, — дейди Шаҳло Кўчимова. — Мактабимизда спортнинг кўплаб турлари қатори таэквандони ривожлантиришга ҳам эътибор катта. Келажакда ҳам барча фанларни аъло баҳоларга ўқиш билан биргаликда спорт билан мунтазам шуғулланишга ҳаракат қиламан. Мақсадим жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишдир.

### *Qishloqdan chiqqan chempion*

«Яхши ният — ярим давлат» дейдилар. Ана шундай эзгу мақсадлар билан ўқиётган Шаҳлони қишлоқ аҳли ҳақли равишда «Ўзимизнинг чемпион» деб аташади. Айни кунда унинг издошлари кўпаймоқда. Буни мактаб ўқувчиларининг турли мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқларидан билиш мумкин. Футбол бўйича мактаб ўқувчилари туманда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтказилган мусобақаларда 2-ўринни қўлга киритди. Қўл тўпи бўйича қизлар жамоасининг эришаётган ютуқлари ҳам чакки эмас.

Мактаб қизлари бир неча йиллардан буён спортнинг шу тури бўйича вилоятда етакчиликни қўлга киритиб, республика мусобақаларида иштирок этмоқда.

Баскетбол бўйича ҳам қизлар жамоаси вилоятда етакчи ўринда туради. Қишлоқ қизлари «Умид ниҳоллари» мусобақасининг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилди.

Феруз Отамуродов, Муаттар Абдуғаниева, Сарвиноз Баҳодирова каби ўқувчилар тажрибали мураббийлар кўмагида маҳоратларини кун сайин ошириб бормоқдалар. Ўқувчиларнинг эришаётган ютуқларини мактабда яратилган имкониятлар билан изоҳлаш мумкин. 2007 йили мактабнинг эски биноси ўрнида капитал реконструкция асосида 630 ўринга мўлжалланган 2 қаватли янги бино барпо этилди. Орадан бир йил ўтиб, 2008 йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўқувчиларга барча имкониятларга эга спорт зали қуриб берилди. Ҳозирда ундан нафақат мактаб ўқувчилари, балки Олмачи қишлоғининг барча ёшлари унумли фойдаланмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактаб стадиони ўзининг барча қулайликлари билан вилоятдаги етакчи спорт иншоотларидан саналади.

— Ҳозир мактабимизда мингдан ортиқ ўқувчи таҳсил олмоқда, — дейди мактаб директори Фарҳод Шералиев. — Ёшларимизнинг давр талаби даражасида таълим-тарбия олиши учун барча имкониятлар етарли. Бошқа фанлар қатори жисмоний тарбия дарсларини мукаммал ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Машғулотларни юқори савияда ўтказиш учун зарур спорт жиҳозлари етарли. Шунинг учун ҳам ёшларимиз сезиларли ютуқларга эришмоқда.

**А.СОДИҚОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**




## ШАХМАТ ВА ВУЛҚОН

**Ҳиндистонлик таниқли гроссмейстер Вишванатан Ананд София шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилган матчда Веселин Топалов билан баҳслашиши ва чемпионлик унвонини ҳимоя қилиши лозим эди.**



Шу муносабат билан ҳинд шахматчиси Халқаро шахмат федерациясидан ўйин вақтини уч кун ортга суришни сўраган. Бунга Ананд Эйяфьяллайокулль (Eyjafjallajoekull) вулқонини асосий важ қилиб кўрсатди, дея ёзди маҳаллий нашрлардан бири "The Hindu". Аслида икки донгдор рақиб ўртасидаги мусобақа 16 апрелга белгиланганди. Бироқ юқоридаги воқелик туфайли Ананд учган самолёт Болгарияга эмас, Германияга қўнишига тўғри келди ва ўз-ўзидан учрашув 21 апрелга кўчирилди. Ананд эса оғир ва узоқ кечган учишдан сўнг бироз ҳордиқ чиқармоқчи.

## ХАТО КЕЧИРИЛМАЙДИГАН ПАЛЛА

**Футбол бўйича Англия, Испания ва Италия биринчиликларида гарчи мавсум тугашига бир қанча тур қолганига қарамай, чемпионлик масаласи узил-кесил ҳал қилингани йўқ.**

Испания премьеросида 33-турнинг марказий матчида "Реал" "Валенсия"ни қабул қилди ва (2:0) тор-мор келтирди. Пешқадам "Барселона" эса дербида "Эспаньол" билан дуранг (0:0) қайд этди. Энди етакчилар орасидаги тафовут 1 очко, холос.

Италия А сериясида ҳам кураш қизиб бормоқда, 34-турда "Интер" ўз уйида "Ювентус"ни (2:0) мағлуб этди. Чемпионат етакчиси "Рома" жиддий рақибларидан бири "Лацио" билан кечган оғир учрашувда сафарда 2:1 ҳисобида муваффақиятга эришди. Мазкур мамлакат биринчилигида ҳам етакчилар орасидаги фарқ 1 очко.

Англия премьер лигасида 35-тур "Манчестер Юнайтед" фойдасига ҳал бўлди. Сабаби "қизил иблис"лар дербида "Манчестер Сити"ни (0:1) енгди. Карвонбоши "Челси" эса сафарда "Тоттенхэм"га (1:2) «бош эгди». Икки жамоа орасидаги масофа бу юртда ҳам энди 1 очко.

## АЙБИГА ИҚРОР, ЛЕКИН...

**Америкалик теннисчи Уэйн Одесник допинг истеъмол қилганликда айбланиб, мусобақалардан маълум муддатга четлаштирилганди. Энг қизиғи, у мазкур қарорга эътироз билдирмай, айбини тан олди.**



24 баҳорни қаршилаган Одесник жорий йилнинг январь ойида Австралиянинг Брисбен шаҳрида бўлиб ўтган "Австралиан Опен—2010"да қатнашиш учун кетаётганда божхона хизмати томонидан қўлга туширилган. Унинг танасидан саккизта гормон пуфакчалари (HGH, ҳар бири 6 мг.дан) топилганди. У март ойида ўтказилган судда айбига иқрор бўлиб, 7,2 минг доллар миқдоридаги жарима тўлаганди. Сўнгги қарорни одатдагидек Халқаро теннис федерацияси чиқаради: Одесник камида икки йил муддатга катта теннис билан хайрлашиши мумкин.

## ОҚ БАЙРОҚ ЎРНИГА СОЧИҚ...

**Дунёнинг қайсидир бурчагида ҳар куни бирор йирик спорт мусобақаси ташкиллаштирилиши одатий ҳолга айланган даврда бокс жангларини томоша қилиш мухлисларга ўзгача завқ бағишлаши турган гап.**

АҚШнинг Теннесси штати маркази бўлмиш Мемфис шаҳрида ташкиллаштирилган муштлашув кечаси гарчи тез якунланган бўлса ҳам, ишқибозлар ёдида анча вақтга қадар сақланиб қолса, ажабмас. Боиси унда таниқли америкалик боксчи, супероғир вазн соҳиби Тони Томпсон ажойиб ғалабасини нишонлади. У ямайкалик чарм қўлқоп соҳиби Оуэн Бекни тўртинчи раунддаёқ техник нокаутга учратди. Томпсондан кетма-кет зарбалар "ёмғири"ни қабул қилавергач, Оуэн ўз секунданти томон бориб сочиқ олиб, артина бошлади. Бу ямайкалик спортчининг жангнинг қолган қисмига тайёр эмаслигини билдиради. Демак, муштлашув тўхтатилиши лозим. Рақиби ҳам бунга рози, албатта.

**Ҳурматли**
**Эшбадал РАҲИМОВ!**

Сизни таваллуд айёмингиз ва муборак 50 ёшингиз билан чин дилдан самимий табриклаймиз. Ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги педагогик фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз. Мактаб раҳбари ва тажрибали устоз сифатида олиб бораётган ишларингиз биз учун ибрат. Таълим тизимидаги янгиликларни педагогик жамоага етказишда хизматларингиз катта.

Ҳамиша шогирдларингиз ва фарзандларингиз камолини кўриб юринг.

**Самарқанд вилояти**
**Нуробод туманидаги**
**56-мактаб жамоаси ва**
**шогирдларингиз.**

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИ ҚАЙТА НАШР ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА ТАКЛИФЛАР БЕРИШ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ҲАҚИДА

Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 10 апрелда "Ma'rifat" газетасининг 28-сонида 2010—2011 ўқув йилига умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш юзасидан Тендер савдоларига таклифлар бериш муддати **2010 йил 30 апрель соат 14:00 гача** узайтирилади.

**Тендер таклифлари 2010 йил 30 апрель куни соат 15:00да Республика таълим марказида (манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.**

# SPORTSEVAR YOSHLARNING SEVIMLI MASKANI



Quvasoy shahrining Arsif qishlog'ida foydalanishga topshirilgan Bolalar va o'smirlar sport maktabi ayni paytda shu hududdagi sportsevar yoshlarning sevimli maskaniga aylangan. Maskan yurtimizda bolalar sportiga berilayotgan e'tiborning yorqin namunasidir.

Zamonaviy anjomlar bilan ta'minlangan ushbu dargohda ayni vaqtda 350 nafar o'quvchi sportning 9 turi bilan shug'ullanayotir. Ular bilan o'z ishining fidoyisi bo'lgan tajribali murabbiylar mashg'ulot o'tkazmoqda.

Suratlarda: Quvasoy shahridagi Arsif qishlog'ida barpo etilgan Bolalar va o'smirlar sport maktabidagi mashg'ulotlar jarayonidan lavhalar aks etgan.

**M.QODIROV (O'zA) olgan suratlar.**









Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi: Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-322. Tiraji 40954. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Zilola RUSTAMOVA. Navbatchi: Sanjar RUSTAMOV.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.*
*Ⓜ belgisi ostida reklama materiallari beriladi.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

*«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.*

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
ЎзА якуни — 21.00

1 345